

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

21-сон
(989)
2021 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

290. «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сон қарори
291. «Худудларда мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 майдаги ПҚ–5125-сон қарори
292. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 майдаги ПҚ–5126-сон қарори
293. «Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5127-сон қарори
294. ««Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби» махсус са-

- ноат зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5128-сон қарори
295. «Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5129-сон қарори
296. «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон қарори

Учинчи бўлим

297. «2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 майдаги 324-сон қарори
298. «Давлат илмий ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 майдаги 326-сон қарори
299. «2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси табиий хом ашё ва минерал ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича хом ашё базасини кенгайтириш ҳамда шу асосда қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги 327-сон қарори
300. «Бухоро маданият саройи фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳудудда театр санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги 329-сон қарори
301. «Мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги 331-сон қарори
302. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 20 февралдаги ПҚ–4997-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 майдаги 334-сон қарори

Бешинчи бўлим

303. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 11 майдаги 28-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-3*)
304. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 1 майдаги 01-02/12-27-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 30 апрелдаги 12-сон «Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-4*)
305. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 15-2021-сон ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 30-2021-Қ/Қ-сон «Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2910-1*)
306. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 21-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 22-кк-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 25-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3306*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

290 Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятининг асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва қуйидаги янги бошқарув тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев:

вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, улар ишини самарали ташкил этишини таъминлайди, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

шошилиш тиббий ёрдам, республика тиббиёт (республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан ташқари) ҳамда тиббий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этади, раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади, улар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини, тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирларни амалга оширади;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов:

оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохонасида (кейинги ўринларда — бирламчи тиббий-санитария муассасалари) тиббий хизматларни кўрсатишга ва сифатига, уларни жиҳозлашга ҳамда тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга шахсан масъул ҳисобланади;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларида штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларига малака талаблари, жиҳозлаш стандарт-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 майда эълон қилинган.

ларини ҳамда даволаш протоколларини тасдиқлайди, шартномаларни имзолайди, улар раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, ушбу муассасалар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини амалга оширади, ушбу муассасалар фаолиятига оид қарорлар қабул қилади;

в) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.А. Азизов:

тиббиёт соҳасида рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш ва ривожлантиришга шахсан масъул ҳисобланади ҳамда мазкур масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун тендерлар ўтказиш, шартномалар имзолайди, рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича давлат тиббиёт муассасалари раҳбарларига номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, халқаро молия ташкилотлари билан ишлаш масалалари бўйича мустақил қарорлар қабул қилади;

г) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари У.Ю. Собиров:

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда — республика ихтисослаштирилган марказлари) ва кўп тармоқли вилоят шифохоналарини ислоҳ қилиш, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасалари билан боғлаш ҳамда жойларда ишлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

республика ихтисослаштирилган марказлари ва уларнинг филиаллари раҳбарларига номзодларни бериш, раҳбарларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш, уларни жиҳозлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, тендерлар ўтказиш ва шартномалар тузиш, ушбу марказларга бюджет маблағлари ва бепул даволанишга ордерларни тақсимлаш, шунингдек, даволаш протоколларини тасдиқлаш ваколатларини амалга оширади;

д) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э.И. Баситханова:

оналар ва болаларни хавф гуруҳларига ажратиш, улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга шахсан масъул ҳисобланади;

оналик ва болалик масалаларида халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, маблағларни тақсимлаш, маҳаллий ижро этувчи органлар, маҳалла, ёшлар, спорт ва таълим соҳаларидаги давлат органларининг соғлом турмуш тарзи бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколатини амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган асосий йўналишлар ҳамда жорий этилаётган янги бошқарув тизимидан келиб чиқиб:

соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини тасдиқласин; вазирлик марказий аппаратида инвестициядан кейинги даврни мониторинг қилиш учун амалдаги штатлар сони доирасида масъул бўлган таркибий бўлинма ташкил этсин.

2. 2021 йил 15 июндан бошлаб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори ўртача 3 бараварга оширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ушбу мақсад учун 2021 йил инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобидан 165 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратсин ҳамда ушбу бандда назарда тутилган харажатлар учун зарур маблағларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов, А. Бобоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) билан биргаликда бир ҳафта муддатда тиббиёт соҳасида инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобига ҳар бир вилоят кесимида иқтисод қилинадиган маблағларни аниқласин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев, А. Иноятов):

а) Давлат бошқаруви академияси (А. Бекмуродов) билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида тиббиёт соҳасида бошқарув бўйича икки ҳафталик ўқув курсларини ташкил этсин ва йил якунига қадар вилоят, туман (шаҳар) тиббиёт бошқармалари бошлиқларининг ўқитилишини таъминласин.

Бунда, ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А. Хасанов) билан биргаликда бир ой муддатда барча соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш рейтингини жорий этсин ҳамда ҳар чоракда натижаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

в) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов) ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф. Шарипов) билан биргаликда бир ой муддатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан келиб чиқиб, бирламчи бўғинда тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаб, барча ҳудудларда амалиётга киритсин.

4. «Ўзавтосаноат» АЖ (Ш. Умурзаков) 2021 йил 1 октябрга қадар жойларда, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда аҳолини манзилли профилактика ва скрининг қилиш ишларини ташкил этиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган махсус автобусларнинг камида 3 та тажриба намунасини яратсин ва киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаларига амалдаги штат бирликлари доирасида бошлиқнинг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинади. Бунда, ушбу лавозимларга тайинланаётган шахсларнинг аввалги давлат ташкилотларидаги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори юқори бўлган тақдирда, уларнинг аввалги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори сақлаб қолинади.

Рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосар ўз фаолиятида бевосита соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Азизовга бўйсунди ва ҳисобдор бўлади ҳамда А. Азизов Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси фаолиятининг рақамлаштириш натижадорлиги бўйича масъул ҳисобланади, уларнинг ишига баҳо беради;

б) ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан ИТ оператор — ҳамшира лавозими киритилади. Бунда, ушбу лавозимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон Фармониغا мувофиқ ажратилаётган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

в) бошқа туман (шаҳар) ҳамда барча вилоят ва республика даволаш-профилактика муассасаларида уларнинг амалдаги штат бирликлари доирасида ИТ оператор — ҳамшира лавозими киритилади.

6. Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов):

икки ҳафта муддатда ИТ оператор — ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқсин;

режа-жадвалга асосан ИТ оператор — ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни туман (шаҳар) ИТ марказларида бепул ўқитиш машғулотларини ташкил этсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О. Пекось), бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар соҳада катта тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотларни жалб этган ҳолда Соғлиқни сақлаш соҳасини 2025 йилгача рақамлаштириш (E-health-2025) стратегиясини ва уни амалга оширишга доир йиллар бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Давлат тиббиёт муассасаларини 2021 — 2023 йилларда замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш режа-жадвали 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2021 йил якунига қадар 17 400 та замонавий компьютер жиҳозларини харид қилиш билан боғлиқ маблағлар халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан, етмаган қисми эса ҳар йили Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилишини назарда тутсин.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (А. Азизов)га тизимни рақамлаштириш учун замонавий компьютер ва ахборот техника воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан харид қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлигида марказлашган харидлар натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари тиббиёт соҳасини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ва кенгайтириш, ИТ-соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда компанияларни жалб қилишга йўналтирилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимини ислоҳ қилишга ажратиладиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни давлат харид комиссияси таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. 2021 йил 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида компьютер жиҳозлари бўйича техник ходим лавозимлари компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандис лавозимларига алмаштирилсин ҳамда улар зиммасига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш вазифалари юклансин.

Бунда, компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандисларга бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилишини тезлаштириш мақсадида 2021 йил 1 августдан бошлаб бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширсин:

тиббий жиҳозлар, буюмлар, компьютер техникаси ва бошқа воситаларни хатловдан ўтказиш, шунингдек, тиббий ходимлар рўйхатини шакллантириш;

тиббиёт муассасаларини кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун зарур бўладиган тиббий техника билан жиҳозлаш;

оилавий шифокор йўлланмаси асосида кафолатланган пакетга киритилган бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш.

Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, Молия вазирлиги (Т. Ишметов)

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тиббий суғурта тизимининг алоҳида элементларини бошқа ҳудудларда жорий қилишни бошлаш юзасидан аниқ таклиф киритсин.

12. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан бошлаб иш стажы беш йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев) бир ой муддатда нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда бино ва иншоотларга белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқсин.

13. 2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш режа-жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) янги ташкил қилинаётган филиаллар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларининг негизида, уларнинг амалдаги штат бирликлари ва ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган асосда ташкил қилинади;

б) соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари У. Собиров ва республика ихтисослаштирилган марказлари раҳбарлари филиаллар томонидан:

касалликларни жойларда барвақт аниқлаш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, маҳорат дарсларини ўтказиш;

диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш;

касалликлар регистрини яратиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, улар фаолиятига оид бошқа масалаларни (тиббий жиҳозлар ва асбоб-усқуналар билан таъминлаш, малакали мутахассислар билан тўлдириш) ҳал қилиш юзасидан шахсан масъул ҳисобланади.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова):

а) 2021 йил 1 августдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар («Аёллар маслаҳатхонаси», перинатал-скрининг хонаси, «тиббиёт бригадалари» таркибидаги оилавий шифокор, педиатр ва бошқалар)нинг ҳомиладор аёлни комплекс кузатуви бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи ягона тизимни жорий этсин:

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хомиладор аёлнинг комплекс кузатуви ягона маълумотлар базасини яратиш;

перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар томонидан ягона маълумотлар базасига зарур маълумотларни киритиш, шунингдек, хомиладор аёлларнинг тиббий картасини юритиш;

шаклланган маълумотларга асосан хомиладор аёлларга зарур маслаҳатларни бериш;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Азизов билан биргаликда хомиладор аёлни энг эрта муддатларда ҳисобга олиниши, унинг ҳар кунги ҳолатидаги ўзгаришларни комплекс назорат қилиб бориш учун 2021 йил якунига қадар ягона электрон база яратилишини таъминласин;

в) Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин) ва Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб янгиланган овқатланиш рационини ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига бўлган талабларни тасдиқласин ва амалиётга киритсин. Бунда, болаларнинг соғлиғига зарар ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган барча озиқ-овқат маҳсулотларини мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар ҳудудида сотишга чекловлар қўйилсин.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев) мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда болаларнинг соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

15. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари («К» витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш учун Давлат бюджетидан 2021 йилда 26 миллиард сўм ажратсин, 2022 йилдан бошлаб мазкур банддаги харажатлар учун зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин;

болалар тиббиёт ва туғуруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан реактив, реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлар учун қўшимча 8 миллиард сўм ажратсин.

16. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини халқаро экспертлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг асослантирилган буюртмаларига кўра Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Соғлиқни сақлаш стратегияси — 2030»ни ишлаб чиқиш, хорижий ва маҳаллий экспертлар ҳамда ташкилотларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев), Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А. Хасанов) билан биргаликда бир ой муддатда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этсин ҳамда ҳар ярим йил якуни билан тегишли таклифларни киришиб борсин.

Бунда, натижа кўрсатган, хизмат сифатини яхшилаб, аҳолини рози қилган раҳбарларни тегишли Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш ҳамда ишларни қониқарсиз ташкил этган масъул кадрларга чора кўриш белгилансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар 4-иловага мувофиқ киритилсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш. Иноятов, А.А. Азизов, У.Ю. Собиров, Э.И. Баситханова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

22. Мазкур қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 май,
ПҚ-5124-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 25 майдаги
ПҚ-5124-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3953-сон қарори иловасининг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Мажбурий сугурталаш бўйича ҳамда давлат тиббий сугуртаси доирасидаги хизматлар.»

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4592-сон қарори 6 ва 7-бандлари ҳамда қарорга 1-илованинг 4-позицияси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4847-сон қарори 3, 4 ва 5-иловаларининг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сон қарорига 7-иловада 5-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

5.	Соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимларини яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш, шунингдек, ахборот коммуникация ва технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш	млрд. сўм	28,0
----	--	-----------	------

».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5113-сон қарорига 2-илованинг 21 ва 33-позициялари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 365-сонли қарори:

а) қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

* Иловалар матни «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«2¹. Кўп тармоқли марказий поликлиникаларда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича уларга маслаҳат бериш ва тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар фаолиятини мониторинг қилиб, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш, умумлаштириш республика ва ҳудудий аҳоли репродуктив саломатлиги марказларининг (кейинги ўринларда — Марказлар) асосий вазифаларидан бири этиб белгилансин.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун Марказлар тузилмасига соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларининг амалдаги штатлари доирасида мутахассис штатлар (тиббий-генетик, психолог, IT-технологиялари бўйича мутахассис) киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Марказлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклиф киритсин»;

б) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ФХДЁ органлари билан тиббиёт муассасалари, хусусан, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, Марказлар ўртасида никоҳланувчиларнинг ягона автоматлаштирилган электрон базасини шакллантирсин»;

в) 1-илоvasида:

6-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Никоҳланувчи шахслар доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида бепул диспансеризациядан, яъни кардиолог, эндокринолог, ревматолог, уролог мутахассислари жалб қилинган ҳолда никоҳ олди тиббий кўрикдан ўтади ҳамда қўшимча УТТ, ЭКГ, умумий қон таҳлили, қондаги қанд миқдори аниқланади.

Никоҳланувчи шахслар учун тиббий кўрик жараёнида генетик текширувларга зарурат бўлганда, уларнинг ўзаро келишуви асосида ушбу текширувлар пуллик асосда амалга оширилиши мумкин»;

иккинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган касаллик, шунингдек, диспансеризация натижасида бошқа касалликлар аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқланганидан кейин амалга оширилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бош шифокорда — олий тиббий маълумот, бошқа врач-мутахассисларда (олий тиббий таълим маълумотига эга бўлмаган, халқ таъбири усул-

ларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахслардан ташқари) тегишли тиббий мутахассислик бўйича олий маълумот»;

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«иш стажи беш йилдан ошган олий тиббий маълумотли шифокорда ихтисослиги бўйича малака тоифа»;

тўртинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 22-банд:

қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қўшимча тиббий ихтисослик турини ёки нодавлат тиббиёт ташкилоти филиалини лицензиялашда унинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини ўрганиш фақат сўралаётган тиббий ихтисослик тури ҳамда ташкилот филиали қисмида ўтказилади»;

иккинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензияловчи органнинг лицензия бериш, муассаса турини ўзгартириш (амбулатор ёки стационар), филиал очиш, лицензияга янги тиббий ихтисосликларни қўшиш, тиббий хизмат ҳажмини ўзгартириш (консерватив ёки оператив) ёки уни беришни рад этиш ҳақидаги қарори умумий тартиб бўйича уч кун муддатда, тезлаштирилган тартиб бўйича бир иш куни давомида тасдиқланади ва лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш учун асос ҳисобланади;

Лицензияловчи орган умумий тартиб бўйича икки кун муддатда, тезлаштирилган тартиб бўйича эса лицензия бериш, муассаса турини ўзгартириш (амбулатор ёки стационар), филиал очиш, лицензияга янги тиббий ихтисосликларни қўшиш, тиббий хизмат ҳажмини ўзгартириш (консерватив ёки оператив) ҳақида қарор қабул қилинган куннинг ўзида лицензия талабгорини у ўз аризасида кўрсатган шаклда, банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади»;

қуйидаги таҳрирдаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Муассаса тури ўзгарганда (амбулатор ёки стационар), филиал очилганда, лицензияга янги тиббий ихтисосликлар қўшилганда, тиббий хизмат ҳажми ўзгарганда (консерватив ёки оператив) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар мавжуд лицензияга киритилади, бунда лицензиянинг амал қилиш муддати ўзгармайди»;

в) 36-банд қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари бузилган тақдирда, лицензиянинг амал қилиши фақат бундай бузилишларга йўл қўйилган тиббий ихтисослик тури қисмида тўхтатилади (тугатилади) (амалдаги бошқа тиббий ихтисосликлар фаолиятини таъминловчи ихтисослик турларидан ташқари) ва лицензия амалдаги бошқа тиббий ихтисослик турлари қисмида белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**291 Худудларда мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, 3 — 7 ёшли болаларга таълим-тарбия хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда соҳада нодавлат секторининг улушини ошириш мақсадида:

1. 2021-2022 йилларда мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлигига Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағлар ажратилсин.

2. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган маблағлар: Молия вазирлигига фойсиз 2022-2023 йилларда қайтариш шарти билан ажратилади;

ажратилаётган маблағларни қайтариш давлат активларини хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Молия вазири Т. Ишметов бошчилигида Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни одиллик ва шаффофлик тамойиллари асосида танлаш ва молиялаштириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

мактабгача таълим билан қамров даражасини ошириш мақсадларига ажратилаётган марказлашган маблағлардан манзилли ва самарали фойдаланишини таъминлаш, соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларни доимий таҳлил қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича зарур чораларни кўриш;

мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришда коррупция ҳолатларига, ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликка йўл қўймаслик.

4. Комиссия (Т. Ишметов) мазкур қарорга мувофиқ белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборотни ҳар ойда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 майда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 май,
ПҚ-5125-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

292 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2009 йил 20 ноябрда Ялта шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган МДХ иштирокчи-давлатларининг ҳудудидан ўтувчи халқаро транспорт йўлакларини келишилган ҳолда ривожлантириш тўғрисидаги битим;

2016 йил 28 октябрда Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган МДХ иштирокчи-давлатларининг ҳудудидан ўтувчи халқаро транспорт йўлакларини келишилган ҳолда ривожлантириш тўғрисидаги 2009 йил 20 ноябрдаги битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги баённома тасдиқлансин.

2. Транспорт вазирлиги мазкур халқаро шартномаларни амалга ошириш учун масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномаларнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уларни амалга ошириш учун

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 майда эълон қилинган.

масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдириш-номани юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 май,
ПҚ-5126-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**293 Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида энгил са-
ноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика
ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида***

Энгил саноат соҳаси салоҳиятини янада ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, олиб борилаётган ислоҳотларга ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган энгил саноат ташкилотларини ташкил этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва «Микрокредитбанк» АТБнинг:

Фарғона вилояти Учкўприк туманида 15 гектар ер майдонида энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексини ташкил этиш (кейинги ўринларда — Комплекс);

Комплекс қурилишини ташкил этишга «Микрокредитбанк» АТБни буюртмачи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Комплекста барпо этиладиган объектлар:

а) биринчи навбатда, Учкўприк туманидаги «Бобошбек», «Бекмурод», «Зиғир», «Палохон» ва «Яккамулла» маҳалла фуқаролари йиғинларида уй

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 майда эълон қилинган.

хўжалигида фаолият юритаётган ташаббускорларга энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун танлов орқали сотилади;

б) ташаббускорларга қуйидаги шартлар асосида сотилади:

логистика маркази, қўшимча маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, шунингдек, энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо дўконлари, ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асосга эга эканлиги;

юқоридаги фаолиятни юритиш учун зарурий кўникма, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш.

Фарғона вилояти ҳокимлиги логистика маркази, қўшимча маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шу жумладан, савдо дўконлари, ишлаб чиқариш цехлари, кичик савдо расталарини ташкил этиш салоҳиятига эга ташаббускорларнинг танланишига шахсан масъул ҳисобланади.

3. Белгилансинки:

Комплекс ҳудудидаги ишлаб чиқариш цехлари, савдо дўконлари, логистика маркази, шунингдек, бошқа объектларнинг сотиб олиниши ташаббускорларнинг ўз маблағлари, банк кредити ёки лизинг асосида амалга оширилади;

Комплекс ҳудудидаги объектларни сотишдан, шунингдек, Учкўприк тумани энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексини бошқариш ва ободонлаштириш офисини молиялаштириш манбаларидан келиб тушадиган маблағлар, биринчи навбатда, «Микрокредитбанк» АТБ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

4. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Комплексни ташкил этиш учун Фарғона вилояти Учкўприк тумани марказига яқин ҳудуддаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ердан 15 гектар ер майдонни қонунчиликда белгиланган тартибда «Микрокредитбанк» АТБга ажратилишини;

ажратилган ер майдони тупроғининг ҳосилдор қатламини олиш ҳамда ундан туманнинг қишлоқ хўжалигига яроқсиз бошқа ерларни рекултивация қилиш мақсадида фойдаланилишини;

б) Қурилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ажратилган ер майдонида Комплексни барпо этиш юзасидан замонавий архитектура талаблари асосида лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин.

5. Фарғона вилояти Учкўприк тумани ҳокимлиги муассислигида икки ҳафта муддатда масъулияти чекланган жамият шаклида Учкўприк тумани энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексини бошқариш ва ободонлаштириш офиси (кейинги ўринларда — Офис) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Офиснинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Микрокредитбанк» АТБ билан тузиладиган молиялаштириш тўғрисидаги келишув асосида Комплекс учун ажратилган ер майдонларида ишлаб чиқариш цехлари, савдо дўконлари ва кичик савдо расталари, логистика маркази, шунингдек, бошқа объектларни қуриш учун очик танловлар ташкил қилиш;

қуриб битказилган объектларнинг тадбиркорлик субъектларига сотишида шаффофликни таъминлаш;

Комплексдаги майдонлар, кўчалар, фавворалар ҳамда бошқа ташқи ободонлаштириш объектларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидаларига мувофиқ сақлаш ва улардан фойдаланиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш;

Комплекс ҳудудида фуқаро ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, қўриқлаш хизматини ташкил этиш;

кўкаламзорлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, дарахтларни, буталарни, гулларни парвариш қилиш ва кўкаламзорлаштирилган майдончаларни таъмирлаш бўйича зарур ташкилий-агротехника ишларини амалга ошириш;

ишлаб чиқариш цехлари, савдо дўконларидан йиғимларни ҳамда кичик савдо расталари ижараси учун тўловларни ундириш;

замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий этган ҳолда ташқи ёритиш тармоқларини, сунъий суғориш ва фавворалар тизимларини сақлаш ва улардан фойдаланиш.

Белгилансинки, Комплекс ҳудудидаги объектларни тадбиркорлик субъектларига сотиш ишлари якунлангандан кейин Офиснинг объектлар қурилиши учун танлов эълон қилиш ҳамда объектларни сотиш вазифалари бекор қилинади.

6. Қуйидагилар Офисни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш цехлари, савдо дўконларидан ундириладиган йиғимлар;

Офисга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилган бино ва иншоотларни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинadиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Фарғона вилояти Учқўприк тумани ҳокимлиги бир ой муддатда:

Офис уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Офиснинг штатлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, штатларини малакали мутахассислар билан тўлдириш ҳамда унинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш билан боғлиқ бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Фарғона вилояти Учқўприк туманида барпо этиладиган енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексида савдо дўконлари, ишлаб чиқариш цехлари, кичик савдо расталари ва логистика марказини ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кучкаровга

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

заруратга қараб, Фарғона вилояти ҳокимининг таклифига кўра мазкур иловага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Фарғона вилояти Учқўприк туманида барпо этиладиган енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексида қуриб битказилган объектларни ажратиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссияга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Комплексида қуриб битказилган объектларни танлов натижаларига кўра тадбиркорлик субъектларига ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қуриб битказилган объектларнинг тадбиркорлик субъектларига мазкур қарор талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда сотилишини доимий назорат қилиш;

ишлаб чиқариш цехлари, савдо дўконларидан йиғимларнинг ҳамда кичик савдо расталари ижараси учун тўловларнинг тўланиши ва мақсадли сарфланишини таъминлаш.

10. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги «Микрокредитбанк» АТБ билан биргаликда:

бир ой муддатда Фарғона вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжларини, шунингдек, мавжуд хом ашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инobatга олган ҳолда ташкил этилган Комплексида ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлаштирилишини таъминласин;

жорий йил якунига қадар илғор хорижий тажрибалар асосида Комплексида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуасининг ташкил этилиши ва уни замонавий талаблар асосида лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш ҳамда зарур инфратузилма билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Фарғона вилоят ҳокимлиги:

а) «Микрокредитбанк» АТБ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

ўн кун муддатда белгиланган тартибда олиб қўйилаётган суғориладиган ер майдонида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сарфланган харажатлар миқдорини ҳисоблаб чиқсин ҳамда етказилган зарарнинг қопланишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган 100 гектар ер майдонларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда йил якунига қадар истиқболда Учқўприк туманида енгил саноат хом ашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида ташаббускорлар ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Учқўприк тумани ҳудудидан 100 гектар ер майдонларини ўзлаштириш бўйича зарурий тадбирларни амалга оширсин.

Белгилансинки, Комплекс қурилиши учун ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши но-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

будгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

12. Қурилиш вазирлиги Комплекснинг ташкил этилишида қуриш-таъмирлаш ишларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат назоратини ўрнатсин.

13. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

Комплексга ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича «Йўл харита»сини тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

мазкур қарорда амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ва янги иш ўринларини яратиш чораларини кўрсин;

ҳар чорак якуни бўйича қарорда назарда тутилган топшириқлар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган вазифаларнинг ижроси ёритиб борилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Фарғона вилояти ҳокими Х.Х. Бозаров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарлари Ж.А. Кучкаров ва Ш.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
ПҚ-5127-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**294 «Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби» махсус саноат зонасини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида***

Машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини тўлик йўлга қўйиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда юқори технологияли ва замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, янги иш ўринлари яратишга ва ҳудуд аҳолиси фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш мақсадида:

1. Андижон вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Андижон вилояти ҳудудининг 105 гектар ер майдонида «Машинасозлик ва электротехника саноат хаби»ни (кейинги ўринларда — Саноат хаби) махсус саноат зонаси сифатида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Саноат хабининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ташқи бозорларда талаб этилаётган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

вилоятнинг машинасозлик ва электротехника саноатидаги ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда махсус саноат зонаси иштирокчилари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли машинасозлик ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида машинасозлик ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш.

3. Белгилансинки:

Саноат хабининг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

Саноат хаби фаолияти давомида унинг ҳудудида махсус иқтисодий зо-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 майда эълон қилинган.

налар учун белгиланган алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиботлари амал қилади;

Саноат хаби ҳудудида фақат машинасозлик ва электротехника соҳаларидаги лойиҳалар жойлаштирилади ва уларнинг ташаббускорларига қурилган бино ва иншоотлар ижара шаклида ёки уларнинг хоҳишига мувофиқ ер майдонлари доимий фойдаланишга ажратиб берилади;

Махсус иқтисодий зона маъмурий кенгаши ва дирекциясининг ваколатлари ҳамда Саноат хаби ҳудудида бино ва иншоотлар қуриш ишлари масъулияти чекланган жамият шаклидаги Саноат хаби бошқарувчи компанияси томонидан амалга оширилади.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда Саноат хаби ҳудудларининг чегараларини аниқлаш ва уларни келгусида кенгайтиришни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Саноат хабининг бош режаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Саноат хаби бошқарувчи компаниясини белгилаш чораларини кўрсин;

Саноат хаби ҳудудида режалаштирилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Саноат хаби бош режасини ишлаб чиқиш бўйича:

Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати ИК» ДУК — буюртмачи этиб;

танлов асосидаги лойиҳа ташкилоти — бош лойиҳа ташкилоти этиб;

Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар — молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

7. Белгилансинки:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Саноат хабининг ташкил этилиши, унинг ҳудудида машинасозлик ва электротехника соҳаларига ихтисослашган лойиҳалар жойлаштирилишини ташкил этишга масъул ҳисобланади;

Саноат хаби ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар уларнинг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асослари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда (кейинги ўринларда — Марказ) экспертизадан ўтказилади. Бунда, Марказ томонидан хулосалар бериш муддатлари ўн беш календарь кундан ошмаслиги лозим;

бошқарувчи компания томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини Саноат хаби ҳудудида жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш муддати Марказ томонидан хулоса бериш жараёни билан бирга йигирма беш календарь кундан ошмаслиги лозим.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Саноат хабини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари беш йилгача бўлган даврда бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин.

9. Саноат хабида жойлашадиган лойиҳалар учун зарур бўлган барча муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини яратиш билан боғлиқ тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги «Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4929-сон қароридан назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ҳамда ушбу қарорда ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши белгилансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Саноат хабини барча муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминлаш манзилли дастурини тасдиқласин.

10. Устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Саноат хаби ҳудудида лойиҳалар амалга оширилганда, лойиҳа ишга тушган муддатдан бошлаб уч йил ўтганидан сўнг тегишли улушларнинг аукцион савдолари орқали сотилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда аукцион савдоларини шаффофлик ва бозор тамойиллари асосида ўтказилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдурахмонов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
ПҚ-5128-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**295 Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилинч чораларни кўриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Соғлиқни сақлаш тизимининг фавқулодда вазиятларга бардошлилигини ошириш, жумладан, коронавирус пандемиясига қарши курашни жадаллаштириш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини модернизация қилиш ҳамда коронавирус инфекциясига чалинган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилинч чораларни кўриш» лойиҳасини амалга ошириш учун 10 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 40 йилда қайтариш шарти билан 100 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз бериш тўғрисида қарз битими имзоланганлиги;

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (кейинги ўринларда — ОИИБ) билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилинч чораларни кўриш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун 10 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 30 йилда қайтариш шарти билан 100 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз бериш тўғрисида қарз битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:

сотиб олинган техника ва жиҳозлар, тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситалари, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш объектлари рўйхати Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

ишлаб чиқиладиган харид ҳужжатлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан экспертиза қилинади;

ОТБ ва ОИИБ кредитлари бўйича қарзни тўлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, комиссия ва бошқа харажатлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қопланади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков),

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 майда эълон қилинган.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) республикада тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини янада мустахкамлаш учун 2021 йил 1 октябрга қадар 1 000 та тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

ОТБ томонидан ажратиладиган кредитнинг 35 миллион АҚШ доллари тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларининг хариди учун йўналтирилади;

тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш учун йўналтирилган маблағлар кейинчалик Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига қайтарилади.

4. Қуйидагилар:

«Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш» лойиҳасининг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

Осиё тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш, қарз бўйича фоиз ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага* мувофиқ;

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш, қарз бўйича фоиз ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали 3-иловага* мувофиқ;

Осиё тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарз маблағларидан тез тиббий ёрдам махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш учун йўналтирилладиган қисмини ва фоизларини қоплаб бериш прогноз жадвали 4-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш» лойиҳасининг техник-иқтисодий йиғма параметрлари 5-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш» лойиҳаси доирасида жалб этилаётган қарз маблағларининг сарфланиш йўналишлари тақсимоти 6, 6а — 6н-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаевага, зарур ҳолларда, лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичлари, техник-иқтисодий йиғма параметрлари ва маблағларнинг сарфланиш йўналишлари тақсимотига ОТБ ва ОИИБ билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ОТБ ва ОИИБ кредитлари доирасида келтирилган товарларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширишига рухсат берилсин.

«Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш»

* 1 — 6н-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳасини амалга ошириш гуруҳига (кейинги ўринларда — Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи) қўшимча 6 та штат бирлиги ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Қ. Юсупалиев, А.А. Азизов):

бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг йиллик штатлар жадвали ҳамда харажатлар сметасини Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқласин;

2021 йил 1 октябрга қадар Лойиҳа техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиб, экспертиза органларидан ижобий ҳулосаларни олган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Лойиҳа техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш билан боғлиқ харажатларни ОТБ ва ОИИБнинг кредит маблағлари ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопласин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лойиҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва Лойиҳа доирасида харид қилинадиган ускуналарни ўрнатишга масъул этиб белгилансин.

6. Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Қ. Юсупалиев икки ҳафта муддатда Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда йиғма параметрларида белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш бўйича режа-жадвални тасдиқласин. Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

махаллий органлар (ҳокимликлар, санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармалари, вилоят соғлиқни сақлаш органлари) раҳбарларининг масъулиятини ошириш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳар чоракда қилинаётган ишлар тўғрисида уларнинг ҳисоботини эшитиш, ишига баҳо бериш;

юқори натижа кўрсатган, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб, юклатилган вазифаларни тўлақонли бажарган раҳбарларни рағбатлантириш ҳамда ишларни қониқарсиз ташкил этган масъулларга чора кўриш, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли таклифлар киритиш;

ажратилаётган маблағларнинг самарали ва манзилли ишлатилиши бўйича қатъий назорат ўрнатиш.

7. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ҳамда ОИИБ ўртасидаги имзоланган қарз битимлари бўйича юридик ҳулоса берсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, молия вазири ўринбосари О.Р. Исаков ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Қ. Юсупалиев Лойиҳа доирасида харид қилинаётган асбоб-ускуналар, инвентарлар, транспорт воситалари, лаборатория комплекслари, диагностикаумлар, сарфлов материаллари, буюмлар ва бошқа воситаларнинг нархи, сифати ҳамда асосланганлигига шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурханов) Лойиҳа

доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) Лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги ҳамда техник-иқтисодий асосларда кўзда тутилган натижаларга эришилиши устидан доимий назорат ўрнатсин ва ҳар ярим йил якуни бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.У. Умурзаков ва Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
ПҚ-5129-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**296 Аҳолига гематология ва онкология хизматларини
кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида***

Гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган иш-хотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, шифохоналарни замонавий диагностика лабораториялари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида:

1. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров) ва Молия вазирлиги (Т. Ишметов) би-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 майда эълон қилинган.

лан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар янги биноларни замонавий талаблар асосида, хусусан, уларда катталар ва болалар учун алоҳида жарроҳлик, жонлантириш, интенсив терапия, трансфузиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлинмасини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда қуриш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази янги биноларга жойлаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда унинг тузилмаси, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритади;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасоё кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларидан бирига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилади;

2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлими негизида умумий штатлар ва стационар ўринлар доирасида Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари ташкил этилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров) 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида замонавий янги бино-иншоотлар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

4. Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Б. Мусаев):

2021 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасоё кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси негизида 300 ўринли замонавий Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилишини;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

икки ой муддатда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва жиҳозлаш концепциясининг ишлаб чиқишлишини;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этишга хорижий экспертлар ва етакчи илмий-тадқиқот муассасалари жалб қилиниши, молиявий, ташкилий ва бошқа зарур чоралар амалга оширилишини;

суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш амалиётини биринчи босқичда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида, кейинчалик эса Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ҳам жорий этилишини;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун қуриладиган бино-иншоотлар комплекси соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасини инobatга олган ҳолда ташкил этилишини;

марказлар жойлаштириладиган биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш стандартлари ушбу соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасалари тажрибаси асосида ишлаб чиқишлишини ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) онкология ёрдамни такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун Давлат бюджетидан 2021 йилда қўшимча 60 млрд сўм ҳамда 2022 йилдан бошлаб 125 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш қўйидаги миллий дастурлар асосида амалга оширилади:

9 — 14 ёшдаги ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши вакцина билан эмлаш;

30 — 55 ёшдаги аёллар орасида бачадон бўйни ва 45 — 65 ёшдаги аёллар орасида кўкрак беши саратони скрининги.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур бандда кўзда тутилган харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари мазкур бандда белгиланган қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш миллий дастурларини тегишли ҳудудларда самарали ва тўлиқ ижросини таъминлашга ҳамда ажратилаётган маблағларнинг манзилли ишлатилишига шахсан масъул ҳисобланади.

7. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг «Аёллар маслаҳатхона»лари таркибида мунтазам равишда аёллар орасида кенг қўламли бирламчи текширишларни амалга оширадиган «Онко-назорат» (Сансег-назорат) хоналари ташкил этилсин.

Белгилансинки:

ушбу хоналар 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш умумий бюджет фонди доирасида ташкил этилади;

ушбу хоналардаги текширувлар сифати Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан махсус ахборот бошқаруви тизими орқали назорат қилинади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқсин;

2021 йил якунига қадар «Онко-назорат» (Сансег-назорат) хоналарида фаолият кўрсатувчи шифокорларни тайёрлаш ишларини якунласин;

2022 йил 1 январга қадар «Онко-назорат» (Сансег-назорат) хоналарининг зарур тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

«Онко-назорат» (Сансег-назорат) хоналари ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади;

ўз ҳудудларида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда муваффақиятли даволаш кўрсаткичларининг ошиши, касаллик оқибатида юз берадиган ўлим ҳолатининг камайишига эришилганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида эътироф этилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) ва Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов) икки ҳафта муддатда, истисно тариқасида, 2019 — 2021 йилларда тузилган (тузиладиган) шартномалар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмасига мувофиқ импорт қилинган тиббий буюм ва техникалар, дори воситалари «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудларда гематология ва онкология хизматлари сифатини ошириш, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва онкология диспансерлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2-иловага* мувофиқ тасдиқланадиган тиббий техникалар ва сарф материалларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу бандда назарда тутилган зарур маблағларнинг 40 фоизи 2021 йил 15 июнга қадар, қолган 60 фоизи 2021 йил 1 октябрга қадар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов), зарур ҳолларда, ушбу бандда кўрсатил-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган тиббий техникаларни харид қилиш харажатлари учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йил 1 июнга қадар қайтариб бериш шарти билан бюджет ссудаларини ажратсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур қарорнинг 11-бандида харид қилиниши белгиланган тиббий техникаларни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномаларини «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

13. 2021 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: гематология, онкология, клиник иммунология, трансфузиология ва шу соҳадаги лаборатория йўналишлари бўйича ёш мутахассисларнинг хориждаги етакчи илмий ва тиббиёт марказлари иш жойларида малака ошириши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади;

беморларнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан қопланади;

онкологик ва гематологик беморларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов) бир ой муддатда мазкур бандда белгиланган харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов, У. Собиров, Э. Баситханова) уч ой муддатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари, гематологик ва онкологик касалликларни камайтириш бўйича ижобий тажрибага эга хорижий давлатлар тажрибаси асосида қуйидагиларни назарда тутувчи гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш дастури-ни тасдиқласин:

бирламчи бўғин шифокорларининг гематологик ва онкологик касалликлар тўғрисидаги хушёрлигини ошириш бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглари ўтказиш;

тиббиёт бирлашмалари лабораторияларининг аниқлик даражасини ошириш, лаборатория шифокорларининг анализларни таҳлил қилиш малакасини ошириш;

аҳолининг онкогематологик саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда гематологик ва онкологик касалликларни эрта диагностика қилишнинг афзалликларини акс эттирувчи аниқ рақамлар, ҳаётий мисоллар ёрдамида қисқа метражли видео ролик, қўлланмалар тайёрлаш ва жамоатчиликка етказиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

15. 2021-2022 йиллар давомида аҳоли орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун хорижий грантлар, техник ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б. Абидов мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзаков:

мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларнинг ижроси тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

аҳоли, хусусан, Оролбўйи минтақасидаги болалар орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун тизимли равишда грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

16. Гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида беморларнинг электрон рўйхатини юритиш тизими жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О. Пекосъ) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар беморларнинг электрон рўйхатини, жумладан, унда гематологик ва онкологик беморлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг электрон тиббий карталарини юритиш ва беморларни даволаш жараёнларини кузатиш имкониятлари яратилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин.

17. Гематология ва онкология хизматларини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров):

а) икки ой муддатда:

гематология ва онкология касалликларини даволашда фойдаланилади-

* 3-4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган дори воситалари рўйхатини, уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгилаб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев) билан биргаликда онкологик беморларнинг даволаб бўлмайдиган босқичида уларга наркотик ва психотроп воситаларни буюриш тартибини соддалаштириш, шунингдек, оғриқ қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) 2022 йил 1 мартга қадар катталар ва болаларда гематологик, онкологик ва иммунологик касалликларни ташхислаш, даволаш ҳамда беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш стандартлари ва клиник протоколларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида қайта ишлаб чиқсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев ва унинг ўринбосари У.Ю. Собиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.М. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорақ якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
ПҚ-5130-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

297 2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора- тадбирлари тўғрисида*

2021 йил 22 — 24 апрель кунлари Навоий шаҳрида кон-металлургия, кимё саноати, қурилиш материаллари ва электр энергетикаси соҳаларидаги йирик тармоқ ташкилотлари, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларидан ушбу тармоқлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар иштирокида тармоқлараро саноат ярмаркаси муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу ярмаркада қиймати 375,8 млрд сўмлик жами 996 та саноат кооперацияси шартномалари ва 268 та техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш меморандумлари имзоланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 29-30 апрель кунлари Хоразм вилоятида «Ҳудудлар ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш» кўргазмаси ўтказилиб, қиймати 70,3 млрд сўмлик 289 та шартномалар ҳамда 20 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган 42 та меморандумлар имзоланиши таъминланди.

Тармоқлараро саноат ярмаркалари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан республикадаги йирик саноат ташкилотлари ўртасида тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини қўйидаги икки босқичда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

I босқич — 2021 йилнинг май — октябрь ойларида республика ҳудудларида йирик саноат ташкилотларининг ихтисослашуви асосида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш;

II босқич — 2021 йилнинг 22 — 28 ноябрь кунлари 2022 йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш бўйича республика тармоқлараро саноат ярмаркасини ўтказиш.

2. Қўйидагилар:

ярмарка ўтказиладиган ҳудудларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбир-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 майда эълон қилинган.

корлик субъектлари ҳамда ихтисослашуви асосида йирик саноат ташкилотлари, бошқа ҳудудлардан таклиф этиладиган иқтисодий тармоқлари ташкилотлари, шунингдек, йирик саноат ташкилотлари учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш истагини билдирган республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркасида иштирок этиши;

маҳсулот харид қилиш бўйича шартномаларни шакллантириш билан бирга йирик саноат ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ярмарка доирасида техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш меморандумини тузиши, маҳсулотни ўзлаштириш бўйича «йўл харитаси»ни қабул қилиши, ҳамкорларига техник шартларни бериши, техник ҳужжатлар ва чизмаларни биргаликда ишлаб чиқиши, шунингдек, маҳсулот намуналарини ишлаб чиқариши, уларни синовдан ўтказиши, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошлаши ва уларни сотиб олиш бўйича битимлар тузиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгилаб олинishi;

ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш харажатлари ушбу ярмаркаларни ташкил этувчи ҳамда уларда иштирок этувчи томонларнинг ўз маблағлари ҳисобидан мустақил равишда амалга оширилиши инobatга олинсин.

3. Қуйидагилар:

2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш режа-жадвали 1-иловага* мувофиқ;

2021 йилда республика тармоқлараро саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳнинг намунавий таркиби 3-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларига сифатли тайёргарлик кўриш ва уларнинг ўз муддатида ўтказилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказишда:

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида узоқ муддатли барқарор кооперация алоқалари ўрнатилиши, маҳаллий хом ашё ва саноат кооперация-

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

си асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш иштирокчилари ва лойиҳалари сонини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини sanoat кооперациясига кенг жалб этишга;

худудий тармоқлараро sanoat ярмаркаларида 2021-2022 йилларда маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар тузилиши, шунингдек, илгари импорт қилинган маҳсулотларни ўзлаштиришда техник ҳамкорлик қилиш меморандумлари шакллантирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бутловчи қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузилишига;

янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини жойлаштириш масалаларида, шу жумладан, кичик sanoat зоналари ва эркин иқтисодий зоналар ҳудудида (ишлаб чиқариш йўналиши бўйича) ер майдонлари ажратилишига кўмаклашсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва sanoatда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари худудий sanoat ярмаркалари ихтисослашувига мувофиқ тармоқлардаги йирик sanoat ташкилотлари билан биргаликда:

худудий йирик sanoat ташкилотлари томонидан фойдаланиладиган хом ашёлар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуна ва тайёр маҳсулотлар рўйхати тўғрисида электрон маълумотлар, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш истагини билдирган салоҳиятли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига худудий тармоқлараро sanoat ярмаркалари ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин етказилиши таъминлансин;

худудий тармоқлараро sanoat ярмаркалари доирасида техник ҳамкорлик қилиш меморандумларини, шу жумладан, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар бўйича муҳандислик-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш, шунингдек мақсадли сифат кўрсаткичларига эришиш юзасидан амалий чоралар кўрсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда улар муассислигидаги 50 фоиз ва ундан ортиқ улушга эга бўлган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда — давлат улуши бўлган корхоналар) билан биргаликда Электрон кооперация порталида жорий этилган тизим орқали:

маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ўзлаштириладиган маҳсулотлар техник ҳамкорлик қилиш меморандумларида келтирилган сифат ва нарх кўрсаткичлари асосида тегишли шартномалар тузилишига;

худудий тармоқлараро sanoat ярмаркалари доирасида тузилган техник ҳамкорлик қилиш меморандумлари асосида импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш иқтисодий самарадорлигидан келиб чиқиб, икки йил ва ундан ортиқ муддатга шартномалар тузилишига кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 305-моддасига асосан

ушбу кодекс 294-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида кўрсатилган юридик шахсларнинг солиқ базасини аниқлашда ушбу шахсларнинг жами даромадидан даромад олиш билан боғлиқ барча асосланган харажатлари чегириб ташланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўртасида ўтказилган тармоқлараро саноат ярмаркаларида имзоланган техник ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумларга мувофиқ синов учун тақдим этиладиган маҳсулотларнинг тажриба намуналари (тўплами), агар улар қайта кўриб чиқиш (қайта ишлаш) учун қайтарилса, унда қайта кўриб чиқиш харажатлари фойда солиғини ҳисоблашда асосланган харажатлар сифатида инобатга олинсин.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда республика тармоқлараро саноат ярмаркасида илмий-тадқиқот муассасаларининг янги технологиялари ва ишлаб чиқариш лойиҳа таклифлари, шунингдек, талаб юқори бўлган маҳсулотлар бўйича кооперация алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги тақдимотлари билан иштирок этишларини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идораларни жалб этган ҳолда, ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркалари ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби, ёнғин хавфсизлиги ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 май,
324-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**298 Давлат илмий ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 29 октябрдаги ПФ–6097-сон Фармониغا асосан ҳамда илмий мактабларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, илмий ташкилотларда барқарор молиялаштириш механизмини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги тизимларидаги давлат илмий ташкилотларини 2021 йил 1 июндан бошлаб базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиладиган давлат илмий ташкилотлари рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

Базавий молиялаштиришга ўтказиладиган давлат илмий ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган ходимларнинг штат бирликлари жадвали 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ базавий молиялаштиришга ўтказиладиган давлат илмий ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига давлат илмий дастурлари доирасида бажариладиган илмий лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, 2022 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

б) базавий молиялаштириладиган давлат илмий ташкилотларида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳалар бўйича устама харажатлар ҳисобланмайди;

в) базавий молиялаштиришга ўтказиладиган давлат илмий ташкилотлари раҳбар ва илмий ходимларининг иш ҳақи бюджет маблағлари ҳисо-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 майда эълон қилинган.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг илмий фаолиятга оид дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий ташкилотлар раҳбар ва илмий ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади;

г) базавий молиялаштириш доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат илмий-амалий марказлари ва илмий-тадқиқот институтларининг фақат илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган тузилмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

д) базавий молиялаштириш доирасида давлат илмий ташкилотларининг қуйидаги харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади:

бошқарув (шу жумладан, илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) раҳбарлари, илмий ходимларига белгиланган тартибда тасдиқланган илмий тузилма, шунингдек амалдаги штатлар жадвалига мувофиқ), техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг иш ҳақини тўлаш;

мажбурий суғурта бадаллари;

хизмат сафарлари харажатларини қоплаш (илмий ходимларнинг хизмат сафарларидан ташқари, Фанлар академияси илмий ташкилотлари бундан мустасно);

Фанлар академияси илмий ташкилотларида илмий экспедиция харажатлари;

коммунал хизматлар (сув, газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, канализация, вентиляция) тўловлари;

бино ва иншоотларни, асбоб-ускуна ва бошқа мол-мулкларни сақлаш ва уларни жорий таъмирлаш харажатлари;

транспорт ижараси;

телефон, коммуникация ва бошқа телекоммуникацион хизматлар тўловлари;

асосий воситаларга кирувчи товарларни сотиб олиш, сарф материаллари, бошқа товарларни сотиб олиш, бошқа жорий харажатлар, қўриқлаш (ҳарбийлаштирилган хизматлар), хавфсизлик сигнализацияси.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекомму-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

никациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 май,
326-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**299 2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси
табiiй хом ашё ва минерал ресурсларини чуқур
қайта ишлаш бўйича хом ашё базасини кенгайтириш ҳамда
шу асосда қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшим-
ча чора-тадбирлар тўғрисида***

Табiiй ва минерал ресурсларни химоя қилиш, кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш фаолиятини такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, давлат органлари раҳбарлари ва хўжалик субъектларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар устувор йўналишлар этиб белгилансин:

а) артемия цисталарини йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида:

илмий тадқиқотлар, шу жумладан, артемия цисталарини барқарор такрор ишлаб чиқариш хавфларини баҳолаш, артемия цисталари жойлашган акваторияси минераллашуви даражасининг ўзгариши, сунъий етиштириш, биокимёвий таркиби, шунингдек, улардан био қўшимчалар ва дори воситалари учун субстанциялар ишлаб чиқариш муаммоларини ўрганишни ташкил этиш;

ажратилган квоталар доирасида артемия цисталарини йиғиб олиш ҳажм-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 майда эълон қилинган.

ларини ҳисобга олиш ва ушбу ҳажмларга риоя этилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш;

артемия цисталарини йиғиш ва қайта ишлаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш;

чет эллик инвесторларни фақат артемия цисталарини чуқур қайта ишлаш лойиҳалари, жумладан, қимматбаҳо турдаги денгиз маҳсулотлари ва балиқлар етиштириш учун био қўшимчалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш;

артемия цисталарини йиғиш ва ишлатиш бўйича ноқонуний фаолият, браконьерликнинг олдини олиш, сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмасига эга бўлган тадбиркорлик субъектларигагина қайта ишлашга рухсат бериш тизимини яратиш;

б) қизилмия илдизини йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида:

қизилмия илдизи плантацияларини, биринчи навбатда, унинг республикада ўсмайдиган янги турлари плантацияларини ташкил қилаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали қизилмия илдизи хом ашё базасини кенгайтириш;

қизилмия илдизини кластер усулида етиштириш ва юқори даражадаги тайёр маҳсулотгача кўп босқичли қайта ишлашни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун шароитлар яратиш;

қизилмия илдизини чуқур қайта ишлайдиган тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлари истеъмолчилари, жумладан, қандолатчилик ва фармацевтика ташкилотлари билан кооперация алоқаларини кенгайтириш;

в) вермикулитни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида:

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига хом ашёни мустақил ёки бошқа тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш шартларини киритиш;

вермикулитдан фойдаланиш самарадорлигини, шу жумладан, хом ашё ажратиб олиш коэффициенти, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати ва уни қайта ишлаш даражасини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган:

артемия цисталарини чуқур қайта ишлаш ҳажмларини кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 1-иловага*;

қизилмия илдизини етиштиришни кўпайтириш ва кўп босқичли қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 2-иловага*;

вермикулит қазиб олишни кенгайтириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 3-иловага*;

пахта, ипак ва терини чуқур қайта ишлаш бўйича янги инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 4-иловага*;

ички тармоқ ва тармоқлараро кооперация асосида кимё, электротех-

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ника ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 5-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. Ушбу қарорнинг 2-бандида рўйхати тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 2022 — 2025 йилларда:

майдони 3,5 минг гектардан зиёд плантациялар ташкил қилиш ҳисобидан қизилмия илдизининг, қўшимча геология-қидирув ишларини амалга ошириш, ер қаъридан фойдаланувчилар сонини кенгайтириш, захиралар ва қазиб олиш ҳажмларини 22,2 минг тоннага кўпайтириш ҳисобидан вермикулитнинг минерал ресурслар ва табиий хом ашё базасини кенгайтириш;

иссиқлик изоляцияси, иссиқликка чидамли ва бошқа юқори қўшилган қийматли материаллар ишлаб чиқариш ҳисобидан вермикулитни чуқур қайта ишлаш даражасини 60 фоизгача, артемия цисталарини қуритиш ва артемия цисталаридан озика сифатида фойдаланган ҳолда майда қисқичбақалар, денгиз қисқичбақаси ва қимматбаҳо балиқ турларини етиштириш учун фермаларни босқичма-босқич жорий қилиш ҳисобидан артемия цисталарини чуқур қайта ишлаш даражасини 70 фоизгача ҳамда юқори қўшилган қийматли янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан қизилмия илдизини чуқур қайта ишлаш даражасини 75 фоизгача ошириш;

вермикулитдан ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар экспорт улушини 10 фоиздан 80 фоизгача, чакана қадоқланган қуритилган артемия цисталарининг экспорт улушини 2 фоиздан камида 70 фоизгача оширишган ҳолда, 2025 йилда вермикулит ва ундан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини 0,5 млн доллардан 6,4 млн долларгача, артемия цисталарини экспорт қилиш ҳажмини 9 млн доллардан 50 млн долларгача, қизилмия илдизи маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини 35 млн доллардан 77 млн долларгача кўпайтириш назарда тутилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг артемия цисталарини қазиб олишга ихтисослаштирилган «Орол артемия саноати» агросаноат зонасини (кейинги ўринларда — агросаноат зонаси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. «Орол артемия саноати» агросаноат зонасининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) таркиби 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансики:

Махсус комиссия табиий усулда кўпаядиган ва Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги акваторияда териб олинadиган артемия цисталарини йиғишнинг чекланган ҳажмларини, уларни қайта ишлаш учун квоталар беришни, шунингдек артемия цисталарини йиғиб олиш бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солади;

Махсус комиссия артемия цисталарини қазиб олишга ихтисослашти-

* 5-6-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рилган «Орол артемия саноати» агросаноат зонасининг ҳудудини белгилаб беради;

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳузурида «Орол артемия саноати» давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 11 июлдаги 438-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган «Орол артемия саноати» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Дирекция) «Орол артемия саноати» агросаноат зонаси ижро этувчи органи ҳисобланади.

6. Қуйидагиларга:

а) Махсус комиссияга:

артемия цисталарини йиғиш ҳажмларини, популяцияни кенгайтириш шароитларини, шунингдек, чуқур қайта ишлаш технологияларини асослаш учун илмий тадқиқотлар ташкил этиш;

Дирекция фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

ҳақиқий баҳолаш бўйича белгиланган аниқ мезонлар ва ўлчовларга мувофиқ очиқ ҳамда ошкора тизим асосида йиғиб олишнинг чекланган миқдорларини белгилаш ва қайта ишлаш квоталарини тақсимлаш;

2025 йилга қадар артемия цисталарининг бирламчи қайта ишланган маҳсулотлари экспортини босқичма-босқич тўхтатиш ва қуритилган артемия цисталари, шунингдек, капсулаланган артемия цисталари ва янада чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортига тўлиқ ўтишни таъминлаш вазифалари.

б) Дирекцияга:

Орол денгизи акваториясида артемия цисталарини асраб-авайлаш, самарали қайта тикланиши ва популяциясини кўпайтиришни ташкил қилиш;

артемия цисталарини ноқонуний ва браконьерлик йўли билан йиғишнинг олдини олиш учун қирғоқни қўриқлашни ташкил этиш;

Орол денгизи акваториясида артемия цисталарини халқаро стандартларга мувофиқ йиғиш;

артемия цисталарини чуқур қайта ишлаш ва маҳсулот экспорти бўйича лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида артемия цисталарини қайта ишлаш учун квоталар олишга талабгор бўлган қайта ишловчилар билан келишувларни кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан тузишга тайёрлаш;

қайта ишлайдиган корхоналар реестрини юритиш, уларга Махсус комиссия қарорларига биноан квоталар ҳажмлари ҳақида тегишли гувоҳномалар бериш;

белгиланган тартибда танлаб олинган қайта ишловчилар билан Махсус комиссия қарорига мувофиқ квоталар ҳажмларида йиғилган артемия цисталарини етказиб бериш учун хўжалик шартномалари тузиш;

артемия цисталарини ишлаб чиқилган жадваллар ва тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ қайта ишлаш квоталари эгаларига етказиб бериш ишларини ташкил қилиш;

маҳаллий аҳоли учун артемия цисталарини сунъий, шу жумладан, интенсив саноат сув ҳавзалари базасида етиштириш ҳамда кейинчалик улар-

ни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

артемия цисталари ва улардан тайёрланадиган маҳсулотнинг сифати ҳамда параметрларини аниқлаш лабораторияларини ташкил қилиш ва белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказиш;

маҳаллий қайта ишловчиларга миллий брендни яратиш ва илгари суриш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қўмаклашиш вазифалари юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Махсус комиссия ва Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиб тасдиқласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2021 йил 1 июндан бошлаб:

артемия цисталарини йиғиш ҳажмлари Махсус комиссия томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Фанлар академиясининг тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади;

артемия цисталари тасдиқланган квоталар доирасида йиғиб олинади;

артемия цисталарини қайта ишлаш квоталарини тасдиқлаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тақсимлаш, артемия цисталарини йиғиш, қайта ишлаш, шунингдек, артемия цисталари ва қайта ишланган маҳсулотни тижорат мақсадида айлантиришда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишининг назоратини ташкил қилиш Махсус комиссия томонидан амалга оширилади;

артемия цисталарини қайта ишлаш квоталари талабгорларнинг сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва қуриштириш бўйича мавжуд ишлаб чиқариш қувватларига мутаносиб уларнинг умумий ҳажмлари инобатга олинган ҳолда тақсимланади;

артемия цисталарини қайта ишлаш учун квоталар ҳар йили бирламчи ва чуқур қайта ишлаш бўйича моддий базанинг мавжудлигини текшириш натижалари асосида берилади;

артемия цисталарини йиғиш ва қайта ишлайдиган корхоналарга сотиш Дирекция томонидан, жумладан, қайта ишлаш квоталари ва йиғиш учун техника воситалари бўлган қайта ишлайдиган корхоналар билан тузиладиган пудрат шартнома асосида амалга оширилади;

артемия цисталарини қайта ишлайдиган корхоналарга етказиб беришнинг чекланган нархи Махсус комиссия томонидан белгиланади ва йиғиш харажатларини, шунингдек, Дирекциянинг унга юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Бунда артемия цисталари квотаси учун тўланадиган йиғим чекланган нархга киритилмайди.

артемия цисталарини бирламчи қайта ишлаш учун моддий базасига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига, 2022 йил 1 январдан эса артемия цисталарини қуриштириш учун моддий базасига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига квоталар бериш ман этилади.

8. Дирекция 2021 йил 31 декабргача аҳоли томонидан ноқонуний йи-

ғиб олинган артемия цисталари қолдиқларини қуритиш қувватларига эга бўлган қайта ишлайдиган корхоналар ўртасида тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мажбурияти билан қўшимча квота сифатида тақсимлаш учун хатловдан ўтказсин ва белгиланган тартибда легаллаштириш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки, қуритилган ва капсулаланган артемия цисталарини экспорт қилишга фақат уларни қайта ишлаш квоталари эгаларига рухсат этилади.

10. Орол денгизи артемия цисталарини йиғиш учун квотага тўлов сифатида тушган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади ва 2022-2023 йилларда тегишли равишда қуйидагича йўналтирилсин:

артемия цисталарини йиғиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, уларни йиғишнинг чекланган ҳажмларини белгилаш, Орол акваториясининг мақбул экологик ҳолатини таъминлаш чоратадбирларини амалга оширишга мақсадли йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига 500 миллион сўмдан;

артемия цисталари, қизилмия илдизи ва бошқа турдаги доривор воситаларни барқарор такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича илмий тадқиқотларни молиялаштиришга мақсадли йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ҳамда Академиянинг Қорақалпоғистон бўлимига 500 миллион сўмдан.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенесига 2024 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети параметрларида ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни назарда тутиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги 2022 йил 1 январгача Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги акваториянинг давлат кадастри ва бош режасини ишлаб чиқсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда артемия цисталари, қизилмия илдизи, бошқа ноёб ўсимлик ва биологик ресурслар муаммоларини илмий ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимининг бўлинмаларини ташкил қилиш бўйича таклиф киритсин.

Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бўлинмалар сонини ва уларни молиялаштириш манбаларини белгиласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда:

а) қуйидагиларни хатловдан ўтказсин:

ерлар тоифалари кесимида учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланган ҳолда ёввойи ҳолда ўсадиган қизилмия майдонлари ва захираларини;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда қизилмия сунъий равишда етиштириладиган мавжуд плантациялар, шунингдек, плантациялар ташкил қилиш мақсадида жисмоний ҳамда юридик шахсларга кейинчалик ажратиш учун қизилмияни, шу жумладан, унинг янги навларини етиштиришга яроқли янги ерларни;

б) Вазирлар Маҳкамасига қизилмияни сунъий етиштириш учун ажратиладиган майдонлар ҳажмлари ва дислокациялар бўйича таклифлар киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тадбиркорлик субъектларига инвестиция мажбуриятларини юклаган ҳолда, аниқ мезонлар ҳамда очиқ ва ошкора тартиботларга асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қизилмияни сунъий экиш учун ушбу бандга мувофиқ ва белгиланган ерлардан ер участкалари ажратиш ҳуқуқи берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Ботаника институти ва Зоология институтига мазкур қарорда назарда тутилган топшириқларни бажариш учун дронлардан фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда қуйидагилар юзасидан соддалаштирилган ва имтиёзли тартиботларни қўллаш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан келишувга эришиш бўйича музокаралар ўтказсин:

доривор ўсимликлар, экстрактлар ва субстанцияларни Хитой Халқ Республикасига олиб кириш;

доривор ўсимликлар экстрактларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни Хитой Халқ Республикаси масъул давлат органи томонидан сертификатлаш;

доривор ўсимликлар экстрактларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар маҳсулотларни Хитой бозорига киритилишини таъминлаш.

15. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб:

инвесторларга қизилмия етиштириш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаларини олиб қўйишга мораторий жорий этилади;

шундай тартиб татбиқ этиладики, унга кўра глицирризин кислотасининг моно-аммон тузи ва ди-калий тузини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун этил спирти сотиб олишда тўланган акциз солиғи миқдори қўшилган қиймат солиғини қоплаш сингари ушбу корхоналар тайёр маҳсулотни экспорт қилишида қоплаб берилади;

корхоналар илмий лабораторияларида фойдаланиш учун ТИФ ТН 2207

(тахлил учун тоза, кимёвий тоза, соф тоза) кодлари бўйича спиртни импорт қилишга рухсат берилади;

қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар томонидан экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун фойдаланиладиган кадоқлаш материалларни «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинади.

16. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикасининг қизилмия илдинини йиғиш, етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни тартибга солиш соҳасидаги кейинги қонунчилик ҳужжатлари инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштирадиган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ўсадиган ва етиштириладиган қизилмияни қайта ишлайдиган корхоналарга нисбатан беш йил давомида ушбу қарор қабул қилинган санада амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари қўлланилади;

Ўзбекистон Республикасида ўсадиган ва етиштириладиган қизилмияни қайта ишлайдиган корхоналар ўз хоҳишига кўра янги қонунчилик ҳужжатининг уларга инвестиция киритиш шартларини яхшилаш имконини берадиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ёввойи ҳолда ўсадиган қизилмия плантациялари ва захираларидан, қизилмия плантацияларини ташкил қилиш учун ажратилган ерлар ҳамда Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги акваториядаги артемия цисталари ресурсларидан мақсадли фойдаланиш бўйича назоратни кучайтирсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда суғурта ташкилотлари томонидан қизилмия тайёрловчи корхоналар ташкил қилган қизилмия маданий плантацияларини суғурталаш тартиби қабул қилинишини ташкил этсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган карьерларни (вермикулит, қурилиш тошлари, кварц қуми ва бошқалар) хатловдан ўтказсин, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини ўргансин;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида мавжуд вермикулит минерал-хом ашё ресурслари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун бошқа минерал хом ашёлар кўрсатилган харитани ишлаб чиқсин ва ўзининг расмий веб-сайти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин;

Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда таркибида темир бўлган «Тебинбулоқ» конида рудаларга ишлов бериш ис-

тиқболларини ҳисобга олинган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари томонидан вермикулит минерал хом ашёсини ўзлаштириш механизми ва схемасини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

вермикулит ва бошқа минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, юқори қўшилган қийматли янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида участкалардан фойдаланиш ҳуқуқларини бериш масалаларини тезкор ҳал қилиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази, «Ўзсаноатқурилишматериллари» уюшмаси ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда икки ой муддатда:

республика корхоналарида вермикулитни қазиб олиш ва ундан маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида қўлланилаётган технологияларни жойига чиққан ҳолда ўргансин;

вермикулитдан фойдаланиш самарадорлигини, шу жумладан, хом ашё олиш коэффициентини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ва қайта ишлаш даражасини оширишга доир манзилли тадбирларни ишлаб чиқсин ҳамда амалга оширсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериллари» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда:

вермикулит хом ашёсини янада чуқур қайта ишлаш, талаб юқори бўлган сифатли маҳсулот турларини кенгайтириш, шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсин;

энергия жиҳатидан самарадор ва экологик хавфсиз янги турдаги, шу жумладан, вермикулитдан ва вермикулитни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан тайёрланган қурилиш материаллари амалиётга жорий этилишини ҳамда уларнинг қурилишда қўлланилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, «Ўзсувтаъминот» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда ушбу қарорда назарда тутилган юқори қўшилган қийматли янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қуриш ва реконструкция қилиш зарур бўлган ташқи инфратузилма объектлари рўйхатини икки ой муддатда шакллантирсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши манфаатдор вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда манзилли рўйхатларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминласин;

манзилли рўйхатларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга

оширилишини тизимли мониторинг қилсин ва бу борада тўсиқ бўладиган муаммоларни ҳал этиш учун тезкор ҳамда амалий чоралар кўрсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

а) тижорат банклари билан биргаликда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасида мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга камида 60 миллион доллар йўналтирилишини таъминласин;

б) 2021 йил 31 декабргача халқаро ва миллий экспертларни жалб қилган ҳолда:

қизилмиянинг маданий навларини саноат миқёсида етиштириш ва ундан ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

артемия цисталаридан биологик фаол қўшимчалар ва доривор воситалар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

25. Қорақалпоғистон Республикасида касаначилик асосида балиқчилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштираётган тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида» 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарори доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган кредитлар миқдорини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари асосида фоиз тўловлари тўланмайдиган олти ойлик имтиёзли давр билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача кўпайтирсин.

26. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Р. Сариев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
327-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**300 Бухоро маданият саройи фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳудудда театр санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Бухоро вилоятида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш, миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги таркибида давлат муассасаси шаклида юридик шахс мақомидаги Бухоро маданият саройини ташкил этиш;

Бухоро вилояти мусиқали драма театрининг Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Абдуҳолиқ Ғиждувоний кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларини Бухоро маданият саройига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Бухоро вилояти маданият бошқармасининг Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган ва ҳозирги кунда бўш турган бино ва иншоотларини (кейинги ўринларда — объект) Бухоро вилояти мусиқали драма театрига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Бухоро маданият саройининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбек ва жаҳон мумтоз санъати анъаналарини, мусиқа, рақс ва миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш, ўзбек халқининг бой маънавий меросини тараннум этувчи, миллий ва умумбашарий қадриятларни улуғловчи ёрқин сахна асарларини намойиш этиш орқали аҳолининг кенг қатламларини санъат усталари ва истеъдодли ёш ижрочилар ижодидан баҳраманд этиш;

халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи ранг-баранг ижодий дастурлар орқали ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш;

халқаро фестивалъ, кўрик-танлов, конференция, ижтимоий-маданий анжуман ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш.

3. Бухоро маданият саройининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 майда эълон қилинган.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарурат бўлганда, Бухоро маданият саройи тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Бухоро маданият саройи фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари (ўз даромадлари билан қопланмаган қисми бўйича);

шартнома (пуллик) асосида кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган маблағлар;

халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг хомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги Бухоро вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

объектда асрашга доир ишларни амалга ошириш ҳамда ушбу манзилдаги бўш турган ҳудудга қўшимча бино қуриш ва ободонлаштириш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини зарур маблағлар ажратиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дирекциясига (кейинги ўринларда — Дирекция) белгиланган тартибда тақдим этсин.

6. Объект бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги — буюртмачи этиб;

бош лойиҳа ташкилоти ва бош пудрат ташкилоти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Объект моддий маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинганини инобатга олиб, объект ва унинг қўриқланадиган теграсидаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларга қатъий риоя қилинсин.

7. Дирекция объектда асрашга доир ишларни амалга ошириш ҳамда ушбу манзилдаги бўш турган ҳудудга белгиланган тартибда қўшимча бино қуриш ва ободонлаштириш ишлари 2021 йилда ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

бир ой муддатда Бухоро маданият саройининг устави ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўз тизимидаги санъат саройлари ва маданият саройлари реконструкция қилиниши, таъмирланиши ва ободонлаштирилишини;

санъат саройлари ва маданият саройларида йил давомида ўтказиладиган маданий-маърифий, концерт ва бошқа оммавий тадбирлар сони кўпайтирилиши ҳамда мазмунан бойитилишини;

санъат саройлари ва маданият саройлари ҳудудида умумий овқатланиш жойлари (кафе, ресторан), кўнгилочар жойлар (кинотеатр) ташкил этилишини таъминласин.

9. Бухоро вилояти ҳокимлиги 2021 йилда Бухоро маданият саройининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни зарур махсус асбоб-ускуналар ва хавфсизликни таъминловчи техник воситалар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳақимов, маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда Бухоро вилояти ҳокими Б.К. Зарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
329-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 27 майдаги 329-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига 1-илованинг «Бухоро вилояти» бўлимига «Бухоро маданият саройи» давлат муассасаси» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатининг «Бухоро вилояти» бўлимида 142-позициянинг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ» устунисидаги «маданият бошқармаси» сўзлари «мусикали драма театри» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**301 Мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Халқ таълими соҳасидаги мактабдан ташқари таълим тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Баркамол авлод» республика болалар мактабининг тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) «Баркамол авлод» болалар мактабларининг намунавий тузилмалари тегишлича 2 ва 3-иловаларга** мувофиқ;

«Баркамол авлод» болалар мактаблари тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Республика «Болалар кутубхонаси»нинг тузилмаси 5-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «болалар кутубхоналари»нинг намунавий тузилмаси 6-иловага** мувофиқ;

«Болалар кутубхоналари» тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишган ҳолда халқ таълими тизимидаги умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун ўқувчиларнинг муҳандислик, робототехника, мехатроника ва дастурий таъминот йўналишлари бўйича ўқув машғулотларида фойдаланиш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш юзасидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган, хориждан олиб келинадиган хом ашёлар ва жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

«Баркамол авлод» республика болалар мактаби, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) «Баркамол авлод» болалар мактаблари, Республика «Болалар кутубхонаси»,

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 майда эълон қилинган.

** 1 — 3, 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «болалар кутубхоналари»ни юқори малакали мутахассислар (тўғарак раҳбарлари, кутубхоначилари, инструктор-услугчилари, услубчилар) билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истикболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти томонидан ҳар йили нуфузли хорижий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш орқали, улар иштирокида анжуманлар, вебинар, амалий маҳорат ва намунали ўқув дарсларини ўтказсин ҳамда ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари юзасидан ҳамкорлик ўрнатсин;

мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни сифатини тизимли назорат қилиш ва фаолиятини ташкил қилиш мониторингини амалга оширсин.

4. «Баркамол авлод» болалар мактаблари, «Болалар сайёҳлик базаси», «Болалар кутубхона»лари бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини амалга ошириш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси — қурилиш-монтаж ишлари буюртмачиси этиб;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси — жиҳозларнинг хариди буюртмачиси этиб белгилансин;

бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари асосида аниқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирини Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 май,
331-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 27 майдаги 331-сон қарорига
4-ИЛОВА

«Баркамол авлод» болалар мактаблари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Баркамол авлод» болалар мактаблари (кейинги ўринларда — Мактаб)нинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мактаб давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга эга бўлади.

3. Мактаб ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруқларига, шунингдек ушбу Низомга, ўз уставига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. «Баркамол авлод» болалар мактабларининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан тасдиқланади. Мактаб мазкур намунавий устав асосида ўз уставини ишлаб чиқади. Устав муассис томонидан тасдиқланади.

5. Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари тегишлича мактабларнинг муассислари ҳисобланади.

6. Мактабларнинг умумий фаолияти Вазирлик томонидан мувофиқлаштирилади.

«Баркамол авлод» республика болалар мактаби Вазирлик тизимида фаолият юритади, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган мактаблар тегишлича, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Мактаблари тегишли халқ таълими бошқармалари тизимидаги ҳамда туман (шаҳар)да жойлашган мактаблар тегишли халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари тизимида фаолият юритади.

2-боб. Мактабнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қўйидагилар Мактабнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш, бунда уларнинг робототехника,

мехатроника, инженерлик, ментал арифметика, санъат, арт дизайн, ахборот технологиялари бўйича Java, Scratch, 3D дизайн йўналишларига бўлган қизиқишини ошириш;

Мактабларда «STEAM — таълим» (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — муҳандислик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастурини жорий этиш ва тўғарақлар мазмунига сингдириш;

бешта муҳим ташаббус доирасида ўқувчи-ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот-технологияларига қизиқишни ошириш, ўқувчи-қизларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш бўйича умумтаълим ташкилотларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш, меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

ўқувчи ёшларнинг ижодий ишларини оммалаштириш, тарғиб қилиш ҳамда сотувини йўлга қўйиш бўйича ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишларини «Art shop» электрон дўконлари орқали дунё бозорига олиб чиқиш;

ўқувчиларда жонажон ўлка тарихи, археологик ва бой маданий меросини чуқур ўргатиш, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олишларига имкон яратиш ҳамда болалар ва таълим туризмларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

хорижий тилларни ўргатиш орқали интеллектуал ёшлар сафини кенгайтириш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга имкон яратиш;

ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг спортнинг айрим йўналишларига қизиқишларини ошириш;

мактабдан ташқари таълим тизимига илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш;

болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материалларни доимий такомиллаштириб бориш;

тўғарақ раҳбарларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича истиқбол режаларини ишлаб чиқиш ва тегишли таклифларни киритиш;

болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида Мактабларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларини амалга ошириш.

8. Мактаб ўзининг асосий вазифаларини амалга оширишда қуйидаги функцияларни бажаради:

тўғарақлар ўқув-режа ва дастурлари ишлаб чиқишда қўмаклашади;

ўқувчиларни тўғарақларга қамраб олиш чораларини кўради;

тўғарақ машғулотларини таҳлил қилиб боради, ривожланишдан ортда

қолаётган тўгараклар фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

Мактабда «Очиқ эшиклар» куни тадбирларини алоҳида жадвал асосида ташкил этади;

услугачилар ва тўгарак раҳбарлари учун ҳар чоракда турли ўқув-семинарлар, вебинар машғулоти ўтказилади;

фестиваль ва тадбирларнинг сифатли ўтказилиши бўйича сценарийлар ишлаб чиқади ва тадбирларни ташкил этади;

ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида тўгараклар ўқув режанинг ўзлаштирилишини мониторинг қилиб боради;

тўгарак раҳбарлари ишларини оммалаштиришга ва уларнинг истиқболдаги вазифаларининг бажарилишида амалий ёрдам кўрсатади;

танлов ва тадбирларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб боради.

3-боб. Мактабнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Мактаб қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Мактаб ходимлари, тўгарак аъзолари ва уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)дан ўз Устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

тўгарак машғулоти ўтказишни такомиллаштириш ва таълим жараёнини методик таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

молиялаштиришнинг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш;

тўгарак машғулоти учун белгиланган тўловни ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)дан ўз вақтида ундиришни назорат қилиш;

Мактабнинг бўш турган бино ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш.

10. Мактабнинг мажбуриятлари:

ҳалқ таълими органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, кўрсатмаларини бажариш;

ўз Уставида назарда тутилган вазифаларни ижро этиш;

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари, белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув қўлланмалари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, назарда тутилаётган тўгарак аъзолари контингентини аниқлаш;

ўқув режасини тегишли ҳалқ таълими органлари билан келишиш;

таълим-тарбия жараёнини белгиланган тартибда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига ҳамда хавфсизлик қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

бино ва иншоотлар, ер участкалари, тўғарак хоналарини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ижарага бериш;

Мактабнинг моддий-техник таъминоти ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш;

тўғаракларни ташкил этишда тўғарак аъзоларининг ёши, рухий-физиологик ҳолати, лаёқати ва қизиқишларини инобатга олиш.

4-боб. Мактаб фаолиятини ташкил этиш

11. Мактаб кўп тармоқли бўлиб, у фаолият юритадиган ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган техник ижодиёт, бадиий ижодиёт, ёшлар туризми ва экология, хорижий тиллар, спорт, мактабга ва олий таълим муассасаларига тайёрлов, шунингдек ота-оналар хоҳишларидан келиб чиқиб, Вазирлик билан келишув асосида бошқа йўналишларини ўз ичига олган ҳолда фаолият кўрсатади.

Мактаб 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга уларнинг ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратади ва пуллик хизматлар кўрсатади.

Мактаб томонидан пуллик хизмат асосида ташкил этиладиган тўғаракларга 6 ёшгача ва 18 ёшдан юқори бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Мактаб муассис томонидан ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра давлат муассасаси сифатида ташкил этилади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

12. Умумтаълим ташкилотларида жойлашган мавжуд мактаблар шаҳар-созлик норма ва қоидаларига риоя этилган алоҳида бинода, янги қурилган ва реконструкция қилинган бино ва иншоотларда ёки истисно тариқасида умумтаълим ташкилотлари биноларининг алоҳида ўқув блокларида, алоҳида чегара ҳудудини белгилаган ҳолда, кириш жойи билан таъминланган ва мактабдаги умумий ўрта таълим жараёнига халақит бермайдиган тарзда ташкил қилинади ҳамда мустақил равишда фаолият кўрсатади.

13. Умумтаълим ташкилотлари биноларининг алоҳида ўқув блокларида ташкил қилинган мактабларда электр энергиясини ҳисобга олишнинг алоҳида приборлари ўрнатилади ва электр энергияси учун тўловлар электр таъминоти ташкилоти билан белгиланган тартибда тузилган шартнома бўйича амалга оширилади. Қолган коммунал харажатлар эса Мактаб эгаллаб турган бинонинг майдони ва ҳажмидан келиб чиқиб, умумтаълим ташкилотларига молия органлари билан келишув бўйича қоплаб берилади.

Шунингдек, Мактаб учун умумтаълим ташкилотларида ташкил этиладиган тармоқ тўғараклари, ўқув тажриба-синов майдончалари, боғлар, ис-сикхоналар, виртуал майдонлар, ихтиро ва кашфиётларни синовдан ўтказиш майдончалари, технопарклар ҳамда ички имкониятлардан келиб чиқиб, чекка ҳудудларда уларнинг филиаллари ҳам ташкил этилиши мумкин.

14. Мактаб тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бир-

галикда ҳар йили моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни амалга оширади.

15. Мактабда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган тўғараклар рўйхати асосида тўғараклар ва курслар ташкил этилади.

Мактабда «STEAM — таълим» дастури бўйича табиий фанлар, технологиялар, муҳандислик, санъат, математика йўналишидаги тўғарак фаолияти мазкур соҳада етук хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда жорий этилади.

Вазирлик билан келишган ҳолда Мактабда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўқувчи-ёшлар учун робототехника, инженерлик, ментал арифметика, Java, Scratch, 3D дизайн ва бошқа йўналишлар бўйича замонавий курслар ҳамда куннинг кечки вақтида мактабда аҳоли учун ижодий ишлар хариди, соғломлаштириш ва психологик қўллаб-қувватлаш хизматлари, турли семинар ва тренинглар ташкил этилиши мумкин.

16. Мактабда ташкил этиладиган тўғарак машғулоти мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ тегишли ўқув дастурлари асосида синфларга бўлиб ўтказилади.

Тўғарак машғулоти ўқув дастурлари талабларига кўра бутун ўқув йили учун ҳамда қисқароқ муддатларда ҳам ташкил этилади.

Мактабда тўғарак машғулоти ўқув йилининг 15 сентябридан бошланиб, 25 майида якунланади. Ёзги таътил кунларида Мактаб томонидан тўғарак машғулоти алоҳида режа асосида (ўқувчиларни саёҳатларга олиб чиқиш, турли тўғараклар, пуллик оромгоҳларни ташкил этиш, фестивал ва танловлар ташкил этилишини ўз ичига олган ҳолда) ташкил этилади.

Мактабда тўғарак раҳбарлари йилнинг 26 майдан 1 июнига қадар ўқув йили якуни муносабати билан журналларни расмийлаштириш, тўғаракнинг ёз мавсуми ўқув режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаштириш, шунингдек, 2 сентябрдан 15 сентябрга қадар ёз мавсуми ўқув режаси якуни бўйича журналларни расмийлаштириш, янги ўқув йили режасини тузиш ва тасдиқлаштириш, болаларни синфларга (гуруҳларга) бўлиш каби ишларини амалга оширади.

Мактабнинг тўғарак машғулоти жадвали тўғарак аъзолари учун қулай тартибда, уларнинг ёши, психофизиологик хусусиятлари ва санитария нормалари қоидалари ва гигиена нормативлари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг тақдимномасига кўра Мактаб маъмурияти томонидан тузилади ва тасдиқланади.

Ёз мавсуми давомида тўғарак раҳбарларини стационар оромгоҳларга жалб қилиш, уларнинг розилиги асосида икки томонлама фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида амалга оширилади.

17. Мактабда тўғарак машғулоти ташкил этилиши учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади. 6 ёшли болалар учун олиб бориладиган тўғарак машғулоти вақти 35 дақиқа этиб белгиланади ва у ҳафтада 2 академик соатдан ошмаслиги керак.

Мактабнинг тармоқ тўғарак машғулоти имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларида ташкил этилиши

учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади. Бунда тўгарак раҳбари 2 академик соат гуруҳ билан 4 академик соат якка машғулотлар олиб боради.

Мактабда ҳар бир синф (гуруҳ)даги тўгарак аъзоларининг сони ўқув йили давомида 10 нафардан, хорижий тиллар, дастурий таъминот, робототехника, мехатроника ва инженерлик тўгаракларида 8 нафардан кам бўлмаслиги лозим. Тўгарак гуруҳлари 6 тагача ташкил этилиши мумкин.

Ота-оналарнинг хоҳишларига кўра икки томонлама шартнома асосида ўқувчилар билан якка тартибда (индивидуал) пуллик тўгарак машғулотлари ташкил этилиши мумкин. Бу турдаги тўгарак машғулотлари (пуллик хизмат) учун тўлов миқдори Вазирлик билан келишилган калькуляция асосида, ўқув режага таъсир қилмаган ҳолда амалга оширилади.

18. Мактаб таътил пайтларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва дам олишларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида ташкилотлар ва маҳаллаларда (овуларда) ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва ташаббускорлар билан ҳамкорликда турли йўналишдаги оммавий тадбирларни ташкил этиши мумкин.

19. Мактаб томонидан ўқувчиларга қўшимча таълим олганлиги тўғрисида ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда гувоҳнома берилади.

Тўгарак аъзоларига гувоҳнома тўгаракларнинг йўналишлар бўйича ўқув дастурларини тўлиқ бажарган тақдирда берилади.

20. Мактаб тегишли халқ таълими органлари билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланган йўналишлар бўйича умумий ўрта таълим муассасаларида тармоқ тўгаракларини ташкил этади ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

21. «Баркамол авлод» республика болалар мактаби А. Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда Мактаб ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этади, илғор тажрибалар асосида тўгарак ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштиришга оид ишларни олиб боради.

Мактаб ўқув йили натижалари бўйича тўгарак аъзолари билим, кўника ва малакаларининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини сўровномалар, танланма ўрганишлар, кўрик-танловлар, мусобақалар, тестлар ва бошқа шаклларда мунтазам назорат қилиб боради.

«Баркамол авлод» республика болалар мактаби белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар, бошқа ташкилотлар, маҳаллалар (овулар), ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва ташаббускорлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

22. Мактабнинг раҳбар ва ходимлари белгиланган тартибда малака оширади ва қайта тайёрловдан ўтади.

5-боб. Таълим жараёни иштирокчилари

23. Тўгарак аъзолари, ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс-

лар), ташаббускорлар ва педагог ходимлар Мактаб таълим жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади. Тўғарак аъзолари:

Мактабда ихтиёрий равишда мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида таълим олиш;

қизиқишларига кўра тўғарак турини танлаш;

бир неча тўғаракларда қатнашиш, йил давомида қизиқиш ва истакларига қараб, бўш ўринлар мавжуд бўлса, бошқа тўғаракларга ўтиш;

Мактабнинг жамоатчилик органларини сайлашда иштирок этиш ва уларга сайланиш;

Мактабнинг иш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

24. Тўғарак аъзолари:

қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга;

Мактабнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва уни асраб-авайлашга;

Мактаб устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур.

25. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар):

ўз фарзандлари учун тўғарак турини танлаш;

Мактаб маъмуриятидан унинг уставига мувофиқ зарур шарт-шароитларни яратишни талаб қилиш;

бола шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

Мактабни жамоатчилик асосида бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

26. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар):

фарзандининг жисмоний ва рухий соғлом бўлиши учун ғамхўрлик қилишга;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан қараш, уни меҳнатсеварлик, эзгулик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга;

фарзандида қонунларга итоаткорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат тўғрисида тарбиялашга;

фарзандига тўғарак машғулотларида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга;

ота-она тўловларини белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаб боришга мажбур.

27. Мактабнинг педагог ходимлари:

ўз касбий обрўси ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

Мактаб фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;

Мактаб маъмуриятига Мактабнинг ва тўғараклар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

касб фаолияти учун шароитлар билан таъминланиш, малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш, таълим шакли, услуги ва воситаларини танлаш ҳуқуқига эга.

28. Мактабнинг педагог ходимлари:

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув қўлланмалари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга;

педагог ахлоқ-одобига қатъий риоя қилишга;

ўқув-тарбиявий ишларни юқори савияда олиб бориш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш воситаларини яратишда фаол қатнашишга;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат каби фазилатларни шакллантириш, она Ватанига садоқат, давлат тилига, миллий ва умуминсоний, тарихий ва маданий кадриятларга, ота-онага ва ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга;

белгиланган тартибда ва муддатларда ўз малакасини ошириб боришга;

ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлашга;

ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга;

ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва ташаббускорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга мажбур.

6-боб. Мактабда педагогик фаолият билан шуғулланиш

29. Олий таълим муассасаларини турли йўналишлари (педагог ва педагогик мутахассисликка эга бўлмаган) бўйича мутахассисликка эга, профессионал таълим ташкилотлари (касб-ҳунар коллежлари)нинг тегишли маълумотга ҳамда касбий тайёргарликка, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахслар Мактабда педагогик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

Зарур ҳолларда, тегишли педагогик маълумотга эга бўлмаган, аммо касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга ҳамда «Уста», «Хунарманд», техник, спорт ва сайёҳлик соҳаси бўйича «Спорт устаси» ёки «Спорт усталигига номзод», «Хизмат кўрсатган спортчи», «Спорт устози», «Артист» ва «Меъмор» мақомига эга бўлган шахслар ҳам Мактабда педагогик фаолият билан шуғулланишга жалб қилиниши мумкин.

30. Мактаб директори, директор ўринбосарлари, услубчиларнинг ҳамда тўғарак раҳбарларининг меҳнат таътили 36 иш куни этиб белгиланади.

31. Мактабда тўғарак машғулотларини ўтказишга асосан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва профессионал таълим ташкилотлари (касб-ҳунар коллежлари) ўқитувчилари ўтилган машғулотлар ҳажмига пропорционал равишда соатбай ҳақ тўланган ҳолда шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

32. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан суд қарорига кўра ёки тиббий хулосага асосан маҳрум қилинган шахсларнинг Мактабда тўғарак раҳбари бўлишига ва педагогик фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Етарли малакага эга бўлмаганлиги, шунингдек таълим фаолияти принципларига зид бўлган ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар тўғарак раҳбари лавозимидан маҳрум қилиш учун асос бўлади.

33. Мактаб тўғарак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламаси 24 соатни ташкил этади.

34. Мактаб педагог ходимларининг фаолияти ўқувчилар шахсини фаол,

мустақил, масъулиятли, уюшқоқ ва тартибли бўлишини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

7-боб. Мактабни бошқариш

35. Мактабга белгиланган тартибда муассис томонидан тайинланадиган директор раҳбарлик қилади.

Мактаб директори ва унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

36. Мактабнинг фаолиятига доир асосий масалаларни коллегиял муҳокама қилиш, Мактабнинг тўғарак машғулоти жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, унинг фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш учун доимий фаолият юритадиган Педагогик кенгаш фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилади.

Педагогик кенгаш таркиби Мактаб директори, директор ўринбосарлари ва педагог ходимлардан иборат бўлади. Мактабнинг ҳар бир педагог ходими ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб ушбу Кенгашнинг аъзоси ҳисобланади.

Мактаб директори педагогик кенгаш раиси ҳисобланади ва унинг қотиби педагог ходимлар орасидан тўғридан-тўғри очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Педагогик кенгаш раиси ўз вазифасини бажара олмайдиган (касал бўлган, хизмат сафарига кетган ва б.) ҳолатларда унинг вазифалари вақтинча вазифани бажариш юклатиладиган директор ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Педагогик кенгаш йиғилиши ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Заруратга кўра, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Педагогик кенгаш йиғилиши Мактаб фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, унинг фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилайди.

37. Ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, педагог ходимларнинг касб маҳоратларини ва ижодий ўсишларини кучайтириш мақсадида «Баркамол авлод» республика болалар мактаби ҳузурида Илмий-методик кенгаш тузилади. Илмий-методик кенгаш таркибига унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирликнинг тегишли масъул ходими киритилади.

«Баркамол авлод» республика болалар мактаби директори, ўз навбатида, Илмий-методик кенгаш раиси ҳам ҳисобланади.

Илмий-методик кенгаш йиғилиши ҳар ярим йилда ва навбатдан ташқари йиғилади ҳамда унинг низоми «Баркамол авлод» республика болалар мактаби томонидан тасдиқланади.

Илмий-методик кенгашда ўқув режалар, дастурлар, ўқув қўлланмалар, тажриба-синов ишлари муҳокама қилинади, педагогик ходимларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ишларини ташкил қилиш юзасидан қарорлар қабул қилинади.

Тўгарак раҳбарлари томонидан тўгараклар ўқув режа ва дастурларига 15 фоиз доирасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

38. Туман (шаҳар)даги мактабларда фаолият кўрсатаётган тўгараклар фаолиятини ривожлантириш, уларга методик ёрдам кўрсатиш, услубчи ва тўгарак раҳбарларининг тавсия, қўлланма ва ижодий ишларини такомиллаштириш бўйича Услубий кенгаш ташкил этилади. Услубий кенгаш таркибига унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ҳудудий халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими вакили киритилади.

Вилоятдаги Мактаб директори, ўз навбатида, Услубий кенгаш раиси ҳам ҳисобланади.

Услубий кенгаш аъзолари ҳар чоракда бир марта йиғилади, тавсия, қўлланма ва ижодий ишларнинг сифатини таҳлил қилади ва амалиётга жорий этиш учун рухсат беради.

8-боб. Мактабнинг мол-мулки ва пул маблағлари

39. Муассис ёки ваколатли давлат органи Мактабга мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктиради.

Мактаб ўзига бириктирилган мол-мулкни ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

Мактаблар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Қуйидагилар Мактаб фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ота-оналар тўловидан тушадиган маблағлар;

ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан ўқув жараёнида тайёрланган махсулотлар ва буюмлари сотувидан тушган маблағлар;

асосий машғулотлардан ташқари пайтда бўш бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тушган маблағлар;

ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан ўқув-тарбия жараёнига таъсир этмаган ҳолда бадиий кечалар, концерт ва театр томошалари ташкил этишдан олинган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

40. Мактаб аҳолига, турли ташкилотларга хизматлар кўрсатишга, қонун билан тақиқланмаган, муассасанинг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Юқори турувчи ташкилотлар томонидан тўгарак аъзоларининг таълим-

га алоқаси бўлмаган тадбирларга жалб этилишига, концерт-томоша дастурлари ва кўргазмаларни ташкил этишга йўл қўйилмайди, тўлов-шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар бундан мустасно.

41. Мактабнинг бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан, болалари ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови ҳисобига шаклланган жамғарма ойлик, чораклик ёки йиллик тушган маблағлари бўйича (мақсадли ҳомийлик хайрияларидан ташқари) жами суммасидан ўн фоизгача бўлган миқдори мазкур мактаб раҳбарини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

42. Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятдан олинган даромад ҳисобига сотиб олинган мол-мулк мактаб мол-мулки таркибига киритилади.

43. Педагог ходимларни бир марталик пул мукофотлари билан тақдирлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари бюджет ҳисобидан ва уч бараваригача бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

44. Мактабнинг моддий-техника базаси ер, бино ва иншоотларни, кутубхоналарни, спорт залларини, коммуникация, техник жиҳозлар ва ускуналарни, транспорт воситаларини ҳамда таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиладиган бошқа анжомларни ўз ичига олади.

45. Мактаблар томонидан бюджетдан ташқари ва ота-оналар тўловларидан тушган маблағларни тўғри тасарруф этиш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Мактаб учун бухгалтер (ҳисобчи) ишга қабул қилиши мумкин.

Мактаб бухгалтери (ҳисобчиси) туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тушумларнинг ишлатилиши юзасидан ҳар чоракда ҳисобот бериши лозим.

Тўғарак машғулоти жараёни самарадорлигини ошириш ва ўқувчилар билан индивидуал ишлаш мақсадида мактаб томонидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўғарак раҳбари, услубчи ва мактаб учун зарур бўлган бошқа штатлар очилиши ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида мутахассислар жалб қилиши мумкин.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

46. Мактаб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мактабдан ташқари таълим йўналиши бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

Уларнинг халқаро ҳамкорлиги шартномалар асосида хорижий ташкилотлар билан педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг малака ошириши ҳамда амалиёт ўташи, конференциялар, халқаро анжуманлар ўтказиши шаклида амалга оширилиши мумкин.

47. Мактаблар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Мактаб тугатилган тақдирда унинг маблағлари ва мол-мулкидан, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Мактаб уставига мувофиқ фойдаланилади.

48. Мактабларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, қоидага кўра, ўқув

йилининг охирида амалга оширилади, бунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ўқувчиларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари) билан келишилган ҳолда, уларни бошқа мактабларга ўтказиш учун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

49. Ушбу Низом юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

50. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

«Баркамол авлод» болалар мактаблари
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА



Ўзбекистон Республикаси
«Баркамол авлод» болалар мактабида
мактабдан ташқари та'лим олганлиги ҳақида

Г У В О Н Н О М А
МТ № _____

_____ (o'quvchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____ (Respublika, viloyat, tuman, shahar nomi)

«Баркамол авлод» болалар мактабида

20___-yil ___- _____ dan — 20___ -yil ___- _____ gacha
(kun) (oy) (kun) (oy)

_____ (to'garak nomi)

to'garagida maktabdan tashqari ta'limga qo'yilgan davlat talablari asosida ta'lim oldi.

Мактаб директори _____
(imzo)

_____ (familiyasi, ismi)

Мuhr o'rni

Сана: _____

Qayd raqami: _____

Гувоҳнома тавсифи
«Баркамол авлод» болалар мактабида мактабдан ташқари
таълим олганлиги ҳақида давлат намунасидаги
ГУВОҲНОМА

«Баркамол авлод» болалар мактабида мактабдан ташқари таълим олганлиги ҳақидаги гувоҳнома А5 форматли қалин оқ қоғозда тўрт хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда чиқарилади.

Варақнинг юқори қисмидан 20 мм. чекинган ҳолда диаметри 46 мм. бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлаштирилади. Варақнинг икки ён тарафидан 15 мм. ва қўйи қисмидан 15 мм. чекинган тасманинг эни 6 мм. ни ташкил этади.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘zbekiston Respublikasi «Barkamol avlod» bolalar maktabida maktabdan tashqari ta’lim olganligi haqida GUVOHNOMA» сўзлари босилади. Гувоҳномага икки лотин ҳарфи — МТ ва тартиб рақами қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 27 майдаги 331-сон қарорига
7-ИЛОВА

«Болалар кутубхоналари» тўғрисидаги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Болалар кутубхоналари»нинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Болалар кутубхоналари» давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга эга бўлади.

3. «Болалар кутубхоналари» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруқларига, шунингдек ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

Республика «Болалар кутубхонаси» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизимига киради.

4. «Болалар кутубхоналари»нинг намунавий устави Вазирлик томонидан тасдиқланади. «Болалар кутубхонаси» мазкур намунавий устав асосида ўз уставини ишлаб чиқади. Устав муассис томонидан тасдиқланади.

5. Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тегишлича «Болалар кутубхоналари»нинг муассислари ҳисобланади.

6. «Болалар кутубхоналари»нинг умумий фаолияти Вазирлик томонидан мувофиқлаштирилади.

Республика болалар кутубхонаси Вазирлик тизимидаги барча кутубхоналар иш фаолиятини мувофиқлаштирувчи методик марказ ҳисобланади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Болалар кутубхоналари» умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарига кутубхоначилик ва библиографик хизмат кўрсатиш бўйича методик ёрдам беради ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириб боради. Кутубхоналар фондини болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, турли жанрдаги болалар адабиётлари билан тўлдириб боради.

8. «Болалар кутубхоналари» болаларга китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилишга хизмат қиладиган, уларни халқимизнинг бой интеллектуал маданий мероси ва умумбашарий қадриятлари, фан-техникага оид адабиётларга бўлган талаб-эҳтиёжларини янги ахборот-кутубхона технологиялари орқали қондиришга мўлжалланган миллий ва хорижий болалар нашрларини (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) сақлайдиган, кутубхона хизмати кўрсатадиган маданий-маърифий муассасадир.

9. «Болалар кутубхоналари»нинг ахборот-кутубхона фонди давлат мулки ҳисобланади.

2-боб. «Болалар кутубхоналари»нинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар «Болалар кутубхоналари»нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

замонавий ва юқори самарали ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборотлар олишнинг манбаи, шакл ва методларини танлаш имкониятини таъминлаш орқали ўқувчиларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

китобхонларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитларини, шакл ва усулларини такомиллаштириш, махсус дастурларни жорий этиш, электрон ахборот-маълумот хизматлари яратиш, замонавий компьютер воситаларидан ва маълумотлар узатиш технологияларидан фойдаланиш асосида кутубхоналар фаолияти жараёнлари автоматлаштирилишини таъминлаш;

хорижий илмий-таълим маълумотлар базаларига уланган ҳолда йиғма электрон каталогини ва китоб фондини шакллантириш ва юритиш;

йиғма электрон каталогни шакллантириш ва юритиш;
кутубхона фондини миллий ва чет эл нашрлари билан тизимли тўлдириб бориш, нашрларнинг библиографик ҳисобини юритиш;
юртимиз ҳамда жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда тизимдаги кутубхоналар учун book reader миллий модел стандартларини амалиётга жорий қилиш;

умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналари фондини таҳлил қилиш, янги адабиётлар билан бойитиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аудио ва аудиовизуал ресурслар тайёрлаш ва тарқатиш;

фойдаланувчиларга каталоглар, картотекалар ва библиографик маълумот беришнинг бошқа шакллари орқали кутубхона фонди таркиби тўғрисида маълумот тақдим этиш;

ўқувчиларнинг умумий ва яқка тартибда китоб ўқиш маданиятини, ижодий фикрлашини ривожлантиришга ёрдам берувчи оммавий китобхонликни ташкил этиш;

оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш, тегишли муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

кутубхонанинг маълумот-қидирув аппарати (каталоглар, картотекалар, маълумотлар базалари) билан ишлаш бўйича фойдаланувчиларга маслаҳатлар бериш;

маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, адабиётларнинг очиқ ва мавзули кўргазмалари, турли оммавий тадбирлар, китобхонлик клубларини ташкил этиш;

фойдаланувчиларга масофадан туриб ҳужжатларни электрон етказиб бериш (электрон почта орқали);

мактаб ўқувчиларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш.

11. «Болалар кутубхонаси» ўз асосий вазифаларини амалга оширишда қўйидаги функцияларни бажаради:

умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарини ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан бойитиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

«Болалар кутубхоналари» раҳбар ва ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича яқин, ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқади;

ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириш доирасида, шу жумладан, ахборотларни алмашиш ва ўзаро фойдаланиш борасида самарали ҳамкорликни таъминлайди;

ўқувчилар ўртасида reading (ўқиш), writing (ёзиш), poetry (шеърят) танлов ва акцияларини амалга оширади;

Интернет жаҳон ахборот тармоғининг миллий сегментида ўқувчиларнинг қизиқишлари ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида ўз веб-сайтларини яратади;

ижтимоий тармоқларда саҳифаларини ташкил этади, «Йилнинг энг яхши китоби», «Энг яхши китобхон-тарғиботчи» тадбирларини йўлга қўяди;

ахборот кунлари, янги келган адабиётлар тақдимотларини ўтказиши;

ахборот манбаларини қидириш ва танлашда маслаҳатлар беради;
маълумот-библиографик хизмат кўрсатади (библиографик маълумотномаларни тайёрлайди);

ўқувчилар учун таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил этиб боради;

китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган турли танлов, фестиваль ва тадбирларни ўтказиши;

ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш бўйича стажировкаларни ташкил этади;

«Болалар кутубхоналари»ни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашни ташкил этади;

тажрибали кутубхоначилар фаолиятини оммалаштириб боради;

кутубхоначиларни соҳага оид янги қонун ҳужжатлари ва бошқа турдаги янгиликлар билан ўз вақтида таништириб бориш бўйича туман (шаҳар)ларда ўқув-семинар, конференция ва илмий-амалий тадбирлар ташкил этади;

китобхонларга қулайлик яратиш учун қўшимча хизмат турлари, шу жумладан, пуллик хизматлар, шунингдек таржима қилиш, сканерлаш, нашр этиш каби хизматлар кўрсатади, пуллик хизматлар рўйхати ва нархнома (прейскурант)ларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлатади.

3-боб. «Болалар кутубхоналари» фаолиятини ташкил этиш

12. «Болалар кутубхонаси» болалар учун турли китобхонлик кўрик-танлов ва тадбирларни ташкил этади, умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарига услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

13. «Болалар кутубхонаси» ҳар чоракда ўқувчиларнинг қўшимча адабиётларга бўлган қизиқишларини ўрганади, улар учун миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналарига қирадиган энг сара асарлар ҳақида маълумот бериб боради.

14. «Болалар кутубхонаси» қардош тилларда ўқитиладиган умумтаълим муассасаларининг китоб фондиди ўрганади ва бадиий адабиётлар билан бойитиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

15. «Болалар кутубхоналари» болалар учун мўлжалланган илмий, маърифий, маънавий адабиётлар, овозли, аудиовизуал ва бошқа форматдаги электрон ресурсларни йиғади ва сақлайди.

Ўқувчилар «Болалар кутубхонаси»да ўз ёшларига мос бадиий адабиётлар, санъатга доир китоблар, ноталар ва бошқа медиаресурсларни ўрганади.

16. «Болалар кутубхонаси» болаларнинг ўқишига бевосита раҳбарлик қилувчи соҳа ходимлари, педагоглар ва кутубхона ходимлари учун илмий-услубий нашрлар, аудиовизуал ва электрон ресурслар захирасини яратади ҳамда улар билан мунтазам ишлайди.

17. «Болалар кутубхонаси» китоб захирасини санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талаблари даражасида сақлайди, муқовалаш, таъмирлаш тадбирларини режа асосида амалга оширади ҳамда аудио-визуал материаллар, электрон нашрлар ва бошқа ахборот ташувчи манбаларни, медиаресурсларни сақлайди.

18. «Болалар кутубхонаси» электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантиради, йиғма электрон каталогни шакллантиришда иштирок этади, бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

19. «Болалар кутубхонаси» умумий ўрта таълим ташкилотлари кутубхоналарига кутубхона хизмати кўрсатиш бўйича тавсиялар беради, хизмат кўрсатиш ҳолатини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

20. «Болалар кутубхоналари» кутубхоначилик соҳасидаги илғор хорижий иш тажрибаларини ўрганади ва оммалаштиради.

21. «Болалар кутубхоналари» Вазирлик билан келишган ҳолда ўз ҳодимларини республикадаги барча ҳудудларга ва хорижий давлатларга хизмат сафарига юборади ҳамда амалий ёрдам кўрсатади.

22. «Болалар кутубхоналари»да ўқувчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларда нотиклик маданиятини ривожлантиришга қаратилган нотиклик, бошловчилик ва театр тўғараклари, ёш китобхонлар клублари ташкил этилиши мумкин.

23. «Болалар кутубхоналари»да китоб дўконлари ва «Китоб кафелари» каби турли пуллик ва ижтимоий хизмат турлари йўлга қўйилиши мумкин.

4-боб. «Болалар кутубхоналари»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

24. «Болалар кутубхоналари» қуйидаги ҳуқуқларга эга:
республика ахборот-кутубхона муассасаларидан уларнинг ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида зарур материалларни сўраш ва олиш;

ахборот-кутубхона муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан ахборот-кутубхона муассасаларининг илмий-методик ва илмий-тадқиқот масалалари бўйича ишлаб чиқиладиган қоидалар, низомлар, йўриқ-номалар, ўқув дастурлари ва бошқа ҳужжатларни келишиш;

тасдиқланган хизматлар рўйхати ва нархлар прејскурантларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари асосида пулли кутубхона хизматлари кўрсатиш;

адабиётларга ва ахборот манбаларининг бошқа турларига кутубхоначилик услубида қайта техник ва илмий ишлов беришни амалга ошириш;

ғоявий, мазмунан эскирган ва маънавий жиҳатдан эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган адабиётларни ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш;

ўз кутубхона фондларидан, уларнинг тўлиқлиги ва бутлигига зарар етказмасдан кутубхона ресурсларининг ортиқча сони ва нусхаларини ҳисоб-

дан чиқариш, шунингдек уларни ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ сотиш;

китобхонларга кутубхона ва унинг ўқув залларида, абонементда, кўчма кутубхонада, сиртқи абонемент ва кутубхоналараро абонемент орқали хизмат кўрсатиш;

ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш юзасидан оммавий китобхонлик тадбирлари, китоблар кўргазмалари, фестивалларини ташкил этиш;

ходимларни замонавий ахборот технологияларидан профессионал фойдаланиши, чет тилни билиши, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг самарали шакллари жорий этганлиги учун моддий рағбатлантириш;

ахборот маҳсулотини яратиш, ахборотларга таҳлилий қайта ишлов беришни амалга ошириш, маълумотнома-библиография аппаратини ташкил этиш ва юритиш, шу жумладан:

электрон каталоглар (алфавит ва тизимли тартибдаги) яратиш;

электрон картотекалар — мақолаларнинг мазмун жиҳатдан ва тизимли картотекаларини яратиш;

тавсиявий библиографик кўлланмалар (адабиётлар рўйхатлари, библиографик кўрсаткичлар, библиографик шарҳлар) ишлаб чиқиш;

фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотидан хабардор этишни таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг ахборот олиш эҳтиёжларини ўрганиш асосида турли ташувчилардаги ахборот-ресурсларини тақдим этиш;

ахборот олиш ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган, танқидий тафаккурни ўстиришга, медиамаконни ўзлаштиришга ёрдам берадиган тадбирларни ташкил этиш;

инновацион технологиялар асосида ахборот олиш эҳтиёжларини аниқлаш ва сўровларни қаноатлантириш;

ўқув фанлари, бўлимлар, мавзулар бўйича ахборот тўплаш ва тизимга солиш, ахборот банкларини вужудга келтириш.

25. «Болалар кутубхоналари» қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

китоб фондини молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти, энциклопедиялар, педагогикага оид адабиётлар, иқтисодий соҳага доир хорижий тиллардаги (ахборот) адабиётлар ва луғатлар билан тўлдириш;

ортиқча (такрор) адабиётларни алмаштириш, захира фонди орқали уларни бошқа кутубхоналарга ўтказиш ҳамда кам фойдаланиладиган адабиётларни танлаш ишларини амалга ошириш ва депозитларда сақлаш учун топшириш;

чоп этилган нашрларнинг умумий ва якка ҳисобини олиб бориш;

китоблар фонди таркибини бойитиш ишини таъминлаш.

5-боб. «Болалар кутубхоналари»ни бошқариш

26. Республика болалар кутубхонасига Ўзбекистон Республикаси халқ

таълими вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Болалар кутубхонаси»га директор Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиғининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

27. Директор:

Республика болалар кутубхонасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

кутубхонанинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

кутубхона ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари) тузади ва уларнинг амал қилишини тўхтатади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кутубхона ходимларини рағбатлантириш чора-тадбирларини кўради ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди;

белгиланган тартибда кутубхонанинг мол-мулки ва маблағларини тасаруф этади, кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

кутубхонанинг моддий-техника базасини сақлаш ва ривожлантириш, кутубхона фойдаланувчилари ва ходимлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширади, ахборот-кутубхона фондлари, шунингдек бинолар, иншоотлар, асбоб-анжомлар, кутубхонанинг бошқа мол-мулки сақланиши ва улардан зарур даражада фойдаланилиши учун жавоб беради.

28. Республика болалар кутубхонаси ҳар чоракда бир марта директорлар кенгашини ташкил этади, улар бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилайди ва амалга ошириладиган ишларни мониторинг қилиб боради.

29. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Болалар кутубхонаси» директорлари ташаббускор, фидокор ва тажрибали кутубхоначиларини турли мукофотларга тавсия қилади ва уларнинг ишини оммалашишига кўмаклашади.

30. Республика болалар кутубхонаси «Болалар кутубхоналари» фаолиятини ривожлантиришга қаратилган концепция, «Йўл хариталари» ва дастурлари ишлаб чиқади ҳамда уларнинг кутубхоналарда бажарилишини мониторинг қилиб боради.

31. Болалар кутубхонаси директори Муассис билан келишган ҳолда директор ўринбосарларини лавозимга тайинлайди.

32. Республика болалар кутубхонасида китобларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш, миллий менталитетга ёт бўлган китобларни таълим муассасаларига кириб боришининг олдини олиш ва мазмунан бой, болаларни ватанпарварликка ундайдиган ва китоб ўқишга қизиқтира олади-

ган асарларни муҳокама қилишга қаратилган Илмий-методик кенгаш тузилади.

Илмий методик кенгаш раиси Республика болалар кутубхонаси мутахассислари томонидан очик овоз бериш йўли билан сайланади.

Илмий методик кенгаш аъзолари ҳар чоракда бир маротаба йиғилади, илмий, услубий, бадий ва публицистик китобларни амалиётга жорий этиш ҳамда илғор иш тажрибаларни оммалаштириш ишларини ташкил қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади.

6-боб. «Болалар кутубхоналари»ни молиялаштириш

33. Муассис ёки ваколатли давлат органи «Болалар кутубхоналари»га мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктиради.

«Болалар кутубхоналари» ўзига бириктирилган мол-мулкни ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

«Болалар кутубхоналари» фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

34. Қўйидагилар «Болалар кутубхоналари»нинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқувчиларга хизмат кўрсатишдан ташқари пайтда бўш бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган шартнома асосида пулли хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

35. Қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятдан олинган даромад ҳисобига сотиб олинган мол-мулк «Болалар кутубхоналари»нинг мол-мулки таркибига киритилади.

36. «Болалар кутубхоналари» ходимларини мукофотлаш белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

«Болалар кутубхоналари»нинг бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ойлик, чораклик ёки йиллик тушган маблағлари бўйича (мақсадли ҳомийлик хайрияларидан ташқари) жами суммасидан ўн фоизгача бўлган миқдори мазкур кутубхона раҳбарини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

37. «Болалар кутубхоналари» қонунчилик ҳужжатларида белгиланган

тартибда кутубхоначилик бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

Уларнинг халқаро ҳамкорлиги шартномалар асосида хорижий ташкилотлар билан педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, мутахассисларнинг малака ошириши ҳамда стажировка ўташи шаклида амалга оширилиши мумкин.

38. «Болалар кутубхоналари» қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

«Болалар кутубхоналари» тугатилган тақдирда унинг маблағлари ва молмулкидан, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонунчилик ҳужжатларига ҳамда «Болалар кутубхоналари» устави-га мувофиқ фойдаланилади.

39. Ушбу Низом юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 27 майдаги 331-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Мактабдан ташқари муассаса тўғрисидаги низомнинг I боби 2-банди иккинчи хатбошисидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари» сўзлари «Баркамол авлод» болалар мактаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низомнинг 3-банди саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Халқ таълими муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари қуйидаги жадвалга биноан ўқувчилар (тарбияланувчилар) контингентига қараб муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади:

Халқ таълими муассасасининг тип	Контингент сони (киши)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
Умумтаълим мактаблари*	1601 нафар ва ундан ортиқ	881 — 1600	401 — 880	400 нафаргача
«Меҳрибонлик» уйлари	201 нафар ва ундан ортиқ	200 нафаргача		
Мусиқа мактаблари ва санъат мактаблари	401 нафар ва ундан ортиқ	400 нафаргача		
Мактабдан ташқари муассасалар	601 нафар ва ундан ортиқ	301 — 600	300 нафаргача	

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	Муассасаларни тегишли гуруҳга киритиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган тарғибда амалга оширилади.
--------------------------------------	---

».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон қарориди:

а) 2, 3, 6-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баркамол авлод» болалар мактабларида ўқиганлик учун ота-оналардан олинadиган тўловлар ойига базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан қўйидаги миқдорларда белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳарларида — 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида — 2,5 фоиз;

вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида — 10 фоиз;

республиканинг қолган туман (шаҳар)ларида — 5 фоиз.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ва ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинган ўқувчилар «Баркамол авлод» болалар мактабларида ўқиганлик учун ота-оналар тўловидан озод қилинади.

Техник ижодкорлик йўналишидаги тўғарақлар учун ота-оналар тўлови Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабларида 25 фоиз, туман (шаҳар) мактабларида 20 фоиз этиб белгиланиши мумкин.

Агар мактабга оиладан биттадан ортиқ бола борса, уларнинг ҳар бири учун ўқиганлик учун ота-оналардан олинadиган тўловлар миқдорининг 70 фоизи, тўғарак аъзоси мактабда ташкил этилган биттадан ортиқ тўғаракка аъзо бўлган тақдирда 60 фоизи тўланади.

Ота-оналар тўловидан тушган маблағлар:

а) «Баркамол авлод» болалар мактаблари фаолияти учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар, моддий бойликлар (мебель, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқалар) ва транспорт воситаларини харид қилишга;

б) маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш ва уларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларга;

в) тўғарак раҳбарлари ва ходимларни 50 фоизгача рағбатлантиришга;

г) ўқувчилари халқаро миқёсида ўтказиладиган кўрик-танлов ва фестивалларда ғолибликни қўлга киритган тўғарак раҳбарлари базавий ҳисоблаш миқдорининг қўйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун — 20 бараваригача;

2-ўрин учун — 15 бараваригача;

3-ўрин учун — 12 бараваригача;

д) ўқувчилари республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танлов ва фестивалларда ғолибликни қўлга киритган тўгарак раҳбарлари базавий ҳисоблаш миқдорининг қўйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун — 10 бараваригача;

2-ўрин учун — 7 бараваригача;

3-ўрин учун — 5 бараваригача.».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 11-бандда:

7-кичик бандга қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«ўқувчи ёшларнинг ижодий ишларини оммалаштириш, шу жумладан, дунё бозорига миллий анъаналаримиз асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тўгарак аъзолари томонидан яратилган маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида «Art shop» электрон дўконларини ташкил этиш ва сотувини йўлга қўйиш;

болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Болалар технопарки» лойиҳаларини ташкил этиш»;

11-кичик бандда:

олтинчи хатбошидаги «шакллантиради» сўзларидан кейин «кўчма кутубхоналар фаолиятини ташкиллаштиради, болалар ва мактаб кутубхоналарини бадий адабиётлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиради,» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошидаги «Баркамол авлод» болалар марказларидаги» сўзлари «Баркамол авлод» болалар мактабларидаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низомнинг 20-банди тўққизинчи хатбошидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари» сўзлари «Баркамол авлод» болалар мактаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Маданий-маърифий муассасаларнинг ижодий ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари Миқдорларида изоҳдаги «Халқ таълими вазирлигининг Республика болалар кутубхонаси» сўзлари «Халқ таълими вазирлигининг Республика болалар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Болалар кутубхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 27 майдаги 331-сон қарорига
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 11 майдаги 130-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 12 майдаги 275-сон қарорига илованинг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 30 декабрдаги 1039-сон қарорининг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон қарорига илованинг 14-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

302 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 20 февралдаги ПҚ–4997-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 20 февралдаги ПҚ–4997-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 январда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 май,
334-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 29 майдаги 334-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 29 майдаги 399-сон қарорида:

а) 1-иловада:

12-банднинг олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банднинг бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

54-банднинг еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 4-илованинг XI позициясидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловада:

4-позициянинг «Қуйидагиларга нисбатан ишчи органга тақдим этиладиган маълумотлар:» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициянинг «Маълумотлар тақдим этиш учун масъул орган» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахслар молмулки ҳамда объектларини қўриқлаш борасида кўрсатиладиган хизматлар тарифларини белгилаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги 668-сон қарорида:

а) қарор номидаги ва муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматларининг тарифлари (нархлари) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан мустақил белгиланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.»;

в) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) илова номидаги ва 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланадиган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорида:

а) қарор номидаги ва 2-банддаги «Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати» сўзлари «Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга иловада:

илова номидаги «Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати» сўзлари «Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

I бўлимнинг номидаги «Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати» сўзлари «Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимнинг номидаги «қўриқлаш хизматининг» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳнинг 2-бандидаги «Қўриқлаш хизматининг» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳнинг 4-бандидаги «қўриқлаш хизмати» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Аффинаж фаолиятини лицензиялашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 февралдаги 86-сон қарорида:

а) 1-илованинг 13-банди бешинчи хатбошидаги «қўриқлаш хизмати» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-иловада:

4-позициянинг «Лицензияловчи органга тақдим этиладиган маълумотлар номи» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициянинг «Маълумот тақдим қилиш учун масъул орган» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 29 майдаги 334-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг

айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони)» 2020 йил 7 декабрдаги 772-сон қарорига илованинг 10-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

303 «Актuariй малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 797-сон «Актuariй малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 май,
28-сон

Келишилди:

*Ўзбекистон суғурта бозори
профессионал иштирокчилари
уюшмаси*

О. ХАЛИЛОВ

2021 йил 14 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 11 майдаги
28-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоровий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1725, 2007 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 423-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 13 июлдаги 101-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги буйруғи (рўйхат рақами 1725-1, 2017 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 717-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 31 январдаги 14-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1725-2, 2018 йил 27 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2018 й., 10/18/1725-2/0822-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

304 Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон «Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги 01-02/12-8, 20-сон қарори (рўйхат рақами 2156, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 439-модда) билан тасдиқланган Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 1 май,
01-02/12-27-сон.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 апрель,
12-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
1 майдаги 01-02/12-27-сон ва Ички ишлар
вазирлигининг 2021 йил 30 апрелдаги
12-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт
воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2, 23, 28 ва 66-бандлардаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 16-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган муддат ўтгандан сўнг хорижий автотранспорт воситасини бир календарь йил давомида тўқсон календарь кундан ортиқ муддатга вақтинчалик олиб кирганлик учун олиб чиқиб кетиш муддатининг ўтказиб юборилган ҳар куни учун транспорт воситасининг ҳар бир от кучидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,7% миқдорида йиғимни тўлаш шарти билан йўл қўйилади.»

3. 19-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«миллий валюта — сўмда тўланади;».

4. 1 — 3-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 — 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2021 йил 2 апрель

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**305 Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асоси-
да ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2910-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни сара-
лаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарорига му-
вофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги-
нинг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муно-
сабатлари вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 53/ҚҚ ва 20-Қ/Қ-сон қаро-
ри (рўйхат рақами 2910, 2017 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 787-модда) билан тасдиқлан-
ган Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар
киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 май,
15-2021-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 май,
30-2021-Қ/Қ-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил 20 майдаги 15-2021-сон ҳамда
Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги
30-2021-Қ/Қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида
ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом барча академик лицейларга нисбатан татбиқ этилади, ҳарбий академик лицейлар бундан мустасно.»

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Академик лицейларнинг ўқитувчи лавозимида ўтказиладиган танловда олий маълумотга эга бўлган шахслар иштирок этади.»

3. 8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази» сўзлари «тегишли олий таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 9-банддаги «оммавий ахборот воситаларида, шунингдек академик лицейнинг расмий веб-сайтида (агар мавжуд бўлса)» сўзлари «оммавий ахборот воситаларида, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz)да ва академик лицейнинг расмий веб-сайтида» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Танловда иштирок этиш учун номзодлардан онлайн ариза, сўровнома (резюме)ларни оммавий ахборот воситаларида, миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz)да ва академик лицейнинг веб-сайтида қабул қилиш эълон берилган кундан бошланади ва 20 кун давом этади.»

6. 11 — 13-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 15-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«комиссия раиси ўринбосари — олий таълим муассасаси таълим сифатини назорат қилиш бўлими ходими»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошисидаги «тегишли кафедра мудири, камида 5 йил» сўзлари «тегишли олий таълим муассасаси ва академик лицейнинг 3 нафар тажрибали» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 34-банддаги «55» рақами «71» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

306 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3306

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 234-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 майда эълон қилинган.

Мудофаа вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 29 апрель,
21-сон

Б. КУРБАНОВ**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 28 апрель,
22-кк-сон

П. БОБОЖОНОВ**Молия вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 27 апрель,
25-сон

Т. ИШМЕТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги
21-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги
22-кк-сон ва Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги
25-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган
Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида
хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. «Андижон вилояти» бўлимидан 6-позиция чиқариб ташлансин.
2. «Бухоро вилояти» бўлимидан 4-позиция чиқариб ташлансин.
3. «Самарқанд вилояти» бўлимида:
 - а) 3, 4, 5, 9, 12, 39, 60, 75, 82, 83 ва 88-позициялар чиқариб ташлансин;
 - б) қуйидаги мазмундаги 96-позиция билан тўлдирилсин:

96. Турсинов Базарбой Абдисаламович	1960 й.
--------------------------------------	---------

».

4. «Сурхондарё вилояти» бўлими қуйидаги мазмундаги 10-позиция билан тўлдирилсин:

«

10. Худайназаров Азам Абдуллаевич	1947 й.
-----------------------------------	---------

».

5. «Сирдарё вилояти» бўлимидан 9-позиция чиқариб ташлансин.

6. «Тошкент вилояти» бўлимида:

а) 4, 6, 12, 21, 22, 43, 47, 50 ва 82-позициялар чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги 90-позиция билан тўлдирилсин:

«

90. Маспаров Юнусбек	1946 й.
----------------------	---------

».

7. «Фарғона вилояти» бўлимидан 3 ва 29-позициялар чиқариб ташлансин.

8. «Тошкент ш.» бўлимида:

а) 6, 14, 22, 23, 26, 27, 33, 42, 50, 55 ва 58-позициялар чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги 63-позиция билан тўлдирилсин:

«

63. Касимов Мирза-Насир Муратович	1960 й.
-----------------------------------	---------

».

9. Изоҳдаги «314» рақами «282» рақами билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 11 майдаги 28-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 1 майдаги 01-02/12-27-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 30 апрелдаги 12-сон «Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 15-2021-сон ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги 30-2021-Қ/Қ-сон «Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2910-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 21-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 22-кқ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 25-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 28 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3306.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1725, 2007 йил 10 октябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1725-1, 2017 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1725-2, 2018 йил 27 февраль).

2021 йил 24 майда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.